

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

ЙЎНАЛИШИ

**«СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ»**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДИУ катта ўқитувчиси Азизов О.М.

Тақризчи: ТДИУ и.ф.н..доц.Х.Қурбонов

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__йил _____даги ____ -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	11
III. Назарий материаллар.....	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	84
V. Кейслар банки.....	137
VI. Мустақил таълим мавзулари	139
VII. Глоссарий	153
VIII. Адабиётлар рўйхати	155

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади¹.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгарилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Солиқлар ва солиқقا тортиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Соликқа тортишнинг долзарб масалалари” модулида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Соликқа тортишнинг долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Ўзбекистон Республикасида солик сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолаш;

Ўзбекистонда бевосита соликларни солик тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденцияларини ишлаб чиқиш.

Республикада солик маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда амалда қўллаш самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

Давлат солик қўмитаси томонидан солик тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматлардан амалда фойдаланиш;

иктисодиёт соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш;

давлат солик хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

мамлакат солик тизимида оид янгиликлар, долзарб масалаларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Соликқа тортишнинг долзарб масалалари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтлиқда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Солик маъмурчилиги ва назорати”, “Соликлар сиёсатининг асосий йўналишлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида солиқ тизими ва ундағы ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикализ солиқ тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумтларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли муҳим ўрин эгаллади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		Мустакил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот		
1.	Солиқка тортишнинг назариялари ва хуқуқий асослари	4	4	2	2			
2.	Ўзбекистонда тўғри солиқка тортиш механизми	10	8	2	4	2	2	
3.	Ўзбекистонда эгри солиқка тортиш тартиби	10	8	2	4	2	2	
4.	Соддалаштирилган солиқ тизими ва унинг иқтисодий моҳияти	4	4	2	2			
5.	Ўзбекистонда ресурс тўловларининг ўзига хос хусусиятлари	4	4	2	2			
	Жами:	32	28	10	14	4	4	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Солиқка тортишнинг назариялари ва хуқуқий асослари

Солиқка тортишнинг умумий назариялари. Солиқка тортишнинг хусусий назариялари. Солиқка тортишнинг замонавий назариялари. Оптималь солиқка тортиш назарияси. Ўзбекистон Республикасида солиқка тортиш тизимининг хуқуқий асослари. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими.

2-мавзу: Ўзбекистонда тўғри солиқка тортиш механизми

Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденциялари. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган фойда ва даромад солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари таркиби. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби. Декларация асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини солиқка тортиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Жисмоний шахслар томонидан электрон тарзда декларация топшириш ва электрон декларация топширилиши билан боғлиқ замонавий дастурий маҳсуллар.

3-мавзу: Ўзбекистонда эгри солиқка тортиш тартиби

Билвосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили. Кўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни

тўловчилар таркиби ва солик ставкалари. Солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида билвосита солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.

4-мавзу: Соддалаштирилган солик тизими ва унинг иқтисодий моҳияти

Ягона солик тўловини ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Ягона солик тўловини ҳисоблашда қўлланиладиган энг кам миқдорлар ва уларнинг ахамияти. Ягона солик тўловини ва ягона ер солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари. Қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Солик солишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш масалалари.

5-мавзу: Ўзбекистонда ресурс тўловларининг ўзига хос хусусиятлари

Ресурс, мол-мулк ва ер қаъридан фойдаланувчилар учун маҳсус тўловлар тизимининг иқтисодий моҳияти. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Тижоратбоп топилма бонуси ва имзоли бонус. Ер солиғинининг жорий этилиши ва иқтисодий моҳияти. Ер солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган ер солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари. Мол-мулк солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот

Солиқقا тортишнинг назариялари ва хуқуқий асослари

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Солиқقا тортишнинг умумий назарияларини ёритиши.
2. Ўзбекистон Республикасида солиқقا тортиш тизимининг хуқуқий асослари ўрганиш.
3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини таҳлили.

Калит сўзлар: солик назариялари, хуқуқий асослари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими.

2-амалий машғулот

Ўзбекистонда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизми

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Ўзбекистонда бевосита солиқларни солик тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.
2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлари ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари.
3. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Калит сўзлар: ялпи тушум, таннарх, солик базаси, преференциялар.

3-амалий машғулот

Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш механизми

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлари.
2. Даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.
3. Декларация асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини соликقا тортиш механизми.

Калит сўзлар: иш ҳақи ва бошқа даромадлар, прогрессив солик ставкаси.

4-амалий машғулот

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Билвосита соликларни солик тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.
2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
3. Ноль даражали ставка бўйича солик солинадиган оборот.

Калит сўзлар: соликقا тортиладиган оборот, импорт, ҳисоб-фактура

5-амалий машғулот

Акциз ва транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликни ҳисоблаш механизми

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
2. Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган соликни тўловчилар таркиби ва солик ставкалари.
3. Соликларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Калит сўзлар: акцизости товарлар, импорт товарлари, бензин, дизел ёнилғиси ва газ

6-амалий машғулот

Солик солишининг соддалаштирилган тартиби

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Ягона солик тўловини ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
2. Ягона солик тўловини ҳисоблашда қўлланиладиган энг кам микдорлар ва уларнинг ахамияти.
3. Ягона солик тўловини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари.
4. Ягона ер солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари.
5. Қатъий белгиланган соликни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
6. Солик солишининг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш масалалари.

Калит сўзлар: ялпи тушум, ер солиғи микдори, ставкалар, ернинг норматив қиймати, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар

7-амалий машғулот
Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқ ва маҳсус тўловларни ҳисоблаш механизми

Мухокама этиладиган масалалар

1. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқ ва маҳсус тўловлар тизимининг иқтисодий моҳияти.

2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

3. Тижоратбоп топилма бонуси ва имзоли бонус.

4. Ер солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган ер солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари.

5. Мол-мулк солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

Калит сўзлар: ер ости бойликлари рўйхати, бонуслар, кадастр қиймати, инвентаризация, ставкалар

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра сұхбатлари** (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- **баҳс ва мунозаралар** (loyihalar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarни taқdим қилиш, эшлиши ва muammolar echimini topish qobiliyatini rivojlanishi).

- **Кенг кўламли сұхбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ifodalangan savollarr; сўзга чиқувчи tингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларini қарата олиши; иш жараёнida очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини мухокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишинan сўнг, биринчи савол бўйича маъruzachiiga (agarda maъruzalarni bir қator tингловчиларiga berilgan bўlsa, ўқитuvchinining ўzi uлардан biriiga sўz beradi) sўz beriladi. Shundan sўnг, ҳар bir tингловchi maъruza mawzusini bўyicha unga savol beriши lozim.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Muammoli vaziyatlarini ҳal этиш natijasida xosil bўlgan, mustaqil izlab topilgan daliillar, kasbiy axamiyatlari yўnaliishlarini izlaшga va tasdiqlashga, kelgusidagi kasbiy faoliyatni bilan boғliqligini anglab etishiغا ёрдам beradi.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тақдимот тайёрлаш	1,0	Мустақил иш тарзида ҳар бир тингловчи белгиланган мавзулар бўйича тақдимотлар тайёрлайди – 1,0 балл
2.	Кейс топшириғини бажариш	1,5	Мавжуд амалий вазиятдан кейс – 1,5 балл
	Жами	2,5	


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мұхитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нұқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга сурис ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хуласалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўнікмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар ийғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.


• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

• **Ҳар бир гуруҳ** ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этиувчилар



Венн диаграммаси



SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – күчсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи мухитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффакияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиклар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жихатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб утиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижага чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш, асослаш ва тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Солиққа тортишнинг назариялари ва хуқуқий асослари Режа

- 1.1. Солиққа тортишнинг умумий назарияларини ёритиш.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш тизимининг хуқуқий асослари ўрганиш.
- 1.3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини таҳлили.

Таянч иборалар: солик тушунчаси, категорияси, маржинал ғоя, исломий даромад топиш ва солик ундириш назарияси, ғарб олимлари назарияси, солик тизими ва қонунчилиги, солик элементлари.

1.1. Солиққа тортишнинг умумий назариялари.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, хуқуқни кўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуидагиларни назарда тутадиган **2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси²** қабул қилинди. У бешта асосий йўналишдан иборатдир:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳуқумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

2. Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараённада тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юкори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, худудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий мухитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, шу жумладан харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш; солик юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

4. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уйжойлар барпо этиш, йўл-транспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритишига йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мухитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдан иборатдир.³

Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимини кўп ўхшашлик жихатлари бор, лекин шунга карамасдан улар фарқ қиласди, уларни куйидаги моделларга бўлишимиз мумкин:

- Америка модели.
- Япония модели.
- Европа модели.
- Ностандарт моделлар.

Куйидагиларни барча моделларнинг умумий белгилари сифатида кўрсатиш мумкин:

- ривожланган қонунчилик базаси, вужудга келадиган мунозара, вазифалар ва вазиятларни хал этишнинг хуқукий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усуслари;
- солиқ идораларининг солиқ тўловчилари олдида ишончга ва юксак обрўга эга эканлиги, юкори иш хақи, ахборот базасининг юкорилиги, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги;
- вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегаралаб кўйилганлиги ва улар ишида бир-бирини тақрорлашнинг йўклиги;
- хукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг (инспекторнинг) катта аҳамиятга ва обрўга эгалиги;

- кадрларни тахлил этиш, ўрганиш, олдиндан белгилаш, ўқитиши, солиқ тўловчилар билан алокалар бўйича институтларнинг мавжудлиги; айниқса ахборот билан алмашиниши соҳасида молия органлари солиқ идораларнинг ва банк тизими билан чамбарчас боғланганлиги. Шу билан бирга бу моделларнинг ҳар бирида уларнинг тафовутларини белгилаб берадиган ўзига хос белгилари мавжуд, бўлар куйидагилардан иборат:

Америка модели:

- солиқ тизимининг солиқ тўловчилар тушуниши учун мураккаблиги;
- солиқ тизимида жуда катта бошқарув ва ижро аппаратининг мавжудлиги;
- солиқ органлари марказлашувининг йўклиги, федерал, штат ва шаҳар тизимларини мустақиллиги;
- накд пул билан ишлайдиган кичик бизнеснинг даромадларини назорат қилишининг етарли усуслари йўклиги;
- ноқонуний даромад манбалари тўғрисида хабар берувчи кўнгилли "Ахборотчилар" кенг тармоғининг мавжудлиги.

Япония модели:

Молия вазирлиги назорати остида ягона, анча қатъий марказлашган молиявий, солиқ банк, божхона тизимларининг мавжудлиги:

- Мамлакатга ва компанияга нисбатан юксак ватанпарварлик туйғусига эга;
- Пастдан то юкоригача бўлган бошқарув аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларда субординация принципига қатъий риоя қилиниши.

Европа модели:

- Европадаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирлашишга доимий интилиш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

- солик фаолиятидаги бир хиллик;
- ягона андозалар, ёндашувлар, талқин, декларациялар, иш принциплари.

"Ноандозавий" (мослашмаган) моделлар, одатда кичик худудли (ёки ораларда жойлашган) давлатларда, эркин иқтисодий зонага эга бўлган давлатларда ва қатор бошқа давлатларда (Кипр, Люксембург) амал қиласди. Улар учун турли солик зоналари деб аталаидиган зоналар характерлидир.

Замонавий солик тизими солиққа тортиш шакллари ва усулларининг бениҳоя нозиклиги ва қўлланиладиган солиқларнинг ўта хилма - хиллиги билан тавсифланади (айрим мамлакатлар доирасида уларнинг 100га яқин кўринишлари мавжуд). Ривожланган мамлакатларнинг барчаси ва ривожланаётган мамлакатларнинг қўпчилиги учун ушбу тизимнинг тамойиллари ва хусусиятлари умумийдир, лекин уларнинг бу тамойиллар ва хусусиятларни солик сиёсатларида кўлланишларида жиддий фарқлар мавжуддир.

Давлат бюджети маблағлари давлатнинг жамият олдидағи муҳим вазифаларини амалга оширишнинг молиявий манбаидир. Демак, ҳар бир давлат иқтисодиёти тараққий этишида бевосита амалга оширилаётган бюджет-солик сиёсати ҳамда солик тизимининг тузилиши билан боғлиқдир.

Солик тизими минг йиллик тарихга эгадир. Бу тизимни ер юзида давлатнинг ilk кўринишлари пайдо бўлиши билан боғланади. Бу жараён йиллар давомида турли давлатда турли кўринишлар ва турлича сиёсат асосида ижро этиб келинмоқда.

Солиқлар асосан инсон цвилизациясининг ilk даврларида вужудга келган. Уларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг энг биринчи ҳайр-эхсонлари сифатида намоён бўлади. Солик тизими давлатнинг вужудга келиши билан биргаликда ўзгариб ривожланиб келмоқда. Солиқлар дастлаб одамларнинг ихтиёрий равишда ҳайр-эхсон бериб туришлари сифатида намоён бўлган бўлса, кейинчалик бу мажбурий тусга ўта бошлаган.

Солик тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва уни фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда *солик категорияси* давлатни иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқейлик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солик тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солик тўловчилардан мажбурий тартибида ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аникроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажralиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: *биринчидан*, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, *иккинчидан*, бозор иқтисодиёти қонун-коидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди ва ундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий

ҳимояга мухтож кам таъминланганларга моддий ёрдамлар кўрсатади. Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб қўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қиласди. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиётлар жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ тамоилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келинган. Давлат тузилиш шаклларини ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуслари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келинган. Масалан, Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айни шу хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда. Амир Темур таъкидлаганки, «солиқларни йиғишда ҳалқни солиқлар билан эзib кўйишдан ёки вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур, зоро, ҳалқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, хазинани ноҷорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса хокимиятни заифлаштиради»⁴.

⁴ Темур тузуклари. –Т.: «Чўлпон», 1991. – 98 б.

Илк феодал муносабатлар ва шу даврдаги иқтисодий ғояларнинг асоси Қуръони каримда (арабча қироат, яъни ўқиш) акс этган (VII-VIII асрлар). VI асрнинг охири-VII асрнинг бошларида Арабистонда феодал муносабатларнинг шаклланиши туфайли ягона давлат барпо этишга даъват кучайди. Бу ҳаракат сўнгти дин - *Исломда* ўз аксини топди. Ислом таълимоти пайғамбаримиз **Мұхаммад алайхиссаломга** Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинганд *Куръони каримда* мужассамланган. Исломдаги йўл-йуриқлар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, шу жумладан иқтисодиётга доир масалаларга ҳам кенг ўрин берилган. Қуръони каримдаги асосий ғоялардан бири барча мусулмонларнинг бардошлиги бўлиб, араб қабилалари шу байроқ атрофида бирлашди. Ҳалол меҳнат, дехқон, хунармандлар меҳнати улуғланди, барча бойлик шу асосда пайдо бўлиши уқтирилди. Бу мұқаддас китобда Аллоҳ таоло савдога катта аҳамият берган, судхўрликни, яъни *рибоъ* (судхўрлик фоизи) ни ҳаром қилган, мулкнинг мұқаддаслигини, бирорнинг мулкига хиёнат ва ҳатто ҳасад қилишни катта гуноҳ дейилган. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғриликка буюрилади ва ёлғон ишлатиш, ўғрилик ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади. Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш (4-сурә, 8-оят), етим-есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш (3-сурә, 128-оят) ҳакидаги ояти карималаридан келиб чиқадиган ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдори ҳам катта аҳамият касб этади. Етимлар ҳақига хиёнат қилиш энг катта гуноҳлардан деб эълон қилинганд. Шунингдек, ўзаро ёрдам ҳам (5-сурә, 3-оят) зарур, лекин ёмон ишларда ва душманликда эмас дейилади. Ояти карима ва ҳадиси шариғларда турли касбларни эгаллаш, айниқса дехқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинганд.

Ислом ақидасида истрофгарчиликка қарши кураш Қуръони каримдаги «*Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо истроф қилманглар*» деган оятлар асосида олиб борилади (бу ҳозирги даврда энг актуал масалага айланган). «*Дарё бўйида таҳорат қилсаларингиз ҳам сувни истроф қилманглар*» каби қоидалар айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ислом ҳуқуқшунослигига фойданинг энг юқори миқдори **10 фоиз** қилиб белгиланган (буни бошқа фикрлар билан солиштиринг) бўлиб, солиқ ставкаларининг энг қўйи қисми йилига жамланган бойликнинг кирқдан бир қисми ёки юздан 2,5 фоиз миқдорида ҳамда энг юқори қисми эса (ҳосилнинг) 10 фоиз миқдорида белгилангандир.

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида араб мутафаккири **Ибн Халдун Абдурраҳмон Абу Зайд** (1332-1406)нинг ҳиссаси бениҳоя каттадир (*Тунисда тугилган, Фес сultonida ҳаттот-котиб бўлган*). 1382 йили Қоҳирага келиб мударрислик қилган, кейинроқ қози бўлган. Асосий асари **«Китоб-ул-ибар»** («Ибратли мисоллар китоби»-1370й.). У биринчилардан бўлиб тарихий ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритди, гарб олимлари *Макиавелли, Монтескьега* катта таъсир кўрсатган олим ҳисобланади. Олимнинг концепцияси «ижтимоий табиат»га яқин, жамият ривожи (эволюцияси) оддийликдан цивилизация саридир.

Ибн Халдуннинг бу асаридан таржима «Ижтимоий фикр» журналининг 1998 йил 1-сонида (158-165-бетлар) келтирилади. Асарнинг «Китоби аввал» қисмida «инсон жамоасининг фарқли томонларини: «шоҳлик ҳокимияти, одамларнинг даромадлари»ни ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилган. Олим: «Инсонга хос бўлган жиҳатларга яшаш учун маблағ, нарса топишга интилиш, бу учун меҳнат қилиш зарурияти ҳам киради», деб ёzádi. Давлатнинг яшаш даври ва босқичлари келтирилади, у бешга бўлинади ва ниҳоятда ибратлидир. Меҳнат қилинмаса «бозор муносабати ҳам барҳам топади» дейилган.

«Давлатнинг кучи ва кудрати, аҳолининг сони, бойлик ва фаровонликка боғлиқдир», деб ёzádi олим (Смит ғояси ҳам шундай). Китобда соликлар зарурлиги уқтирилади, «соликлар яна аҳолининг ўзига қайтиб келади» деган фикр ҳам билдирилган. «Аҳолининг бойлик манбайини бозор ва савдо муносабатлари ташкил этади», деганда олим худди бугунги иқтисодий ғояни қўллаб-қувватлайди. Меркантилистик ғоя классик мактаб фикрлари билан тўлдирилади. «Савдогар молига нарх қўйишда барча сарф-харажатларни ҳисоблаб нарх

ёзади» дейди. Олимнинг бехосият, мевасиз дарахтлар экишдан четланиш хақидаги фикри ҳам қимматлидир. Солиқларни фақат давлат ва айрим хукмдорлар фойдасига йиғиш жамият таназзулига олиб келиши айтилади.

Ибн Халдун дастлаб биргаликда «ишлаб чиқариш» фаолиятига катта эътибор берди, жамият моддий қийматлар «ишлаб чиқарувчилар» жамоасидан иборат дейди. У «*Одамнинг келиб чиқшишида меҳнатнинг ўрни*»ни очиб беришга ҳаракат қилган. Ҳунармандчилик, фан ва санъатнинг ривожи бевосита «**меҳнат унумдорлигининг ўсиши**» билан боғлиқ дейди. «Оддий» ва «мураккаб» меҳнат фарқланган, меҳнат бўлмаса, буюм ҳам бўлмас эди, деган муҳим хulosса чиқарилади. Олим фикрларида «зарурий» ва «кўшимча маҳсулот», «зарурий ва кўшимча меҳнат» тушунчалари фарқланади. У «*товарнинг истеъмол қиймати*» ва «*қиймат*» тушунчаларини таърифлади. Замон ва маконда ўз замондошларидан анча илгари бу ғояларни берди. «*Олди-сотди битими асосида тенг айирбошлиши қоидасига амал қилиншии керак, бунда сарфланган меҳнатнинг тенг ярми айирбошланади*», «*агар бу ҳунармандчилик маҳсули бўлса - унга сарфланган меҳнатига тенг*», «*даромад қиймати эса сарфланган меҳнат ушибу буюмнинг бошқа буюмлар ичидан тутган ўрни ва унинг одамларга зарурлиги билан белгиланади*». Бунда товарларни тенглаштириш меҳнатни тенглаштириш шаклида юзага чиқади, яъни меҳнатнинг роли ва товарнинг фойдалилиги ҳам ҳисобга олинмоқда, бу жуда муҳим (маржинал ғоя бор).

Кишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан бирга савдони ҳаёт учун табиий зарурат деб билган ва физиократлардан илгарилаб кетган.

Товар қийматига хомашё қиймати, меҳнат воситалари, оралиқ товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг қиймати киради. У айтадики, айрим ҳунарлар бошқа ҳунарларни ўз ичига олади: масалан, дурадгор ёғочдан ишланган буюмларни, тўқувчи йигирилган ипни ишлатади ва ҳоказо, яъни ишлаб чиқарининг ижтимоийлиги исботлаб берилади. Товар-пул муносабатлари таҳлил этилган, нархлар бозорга олиб чиқилган товарлар массаси (талаб-таклиф)га боғлиқлиги айтилган. Нонга баҳоларни мўътадил ушлаб туриш, фарованлик манбаи эканлиги кўрсатилади. Солиқ тизимини тартибга солиш кераклиги қайд этилади; унинг фикрича солиқларнинг пасайиши ижтимоий ҳаётни юксалтиради.

Бундан деярли 600 йил аввал бозор тушунчасига изоҳ берилади. Ибн Халдун фикрича: «Бозор - бу ҳунармандчиликни мукаммаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг гаровидир». Бу фикрлар бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланиб, солиқка тортиладиган даромадни тўғри ҳисоблашда ҳамда адолатли солиқ тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. *Адам Смит* (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) ilk бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Н.И.Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818йил) шуни таъкидлайдики, «Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф-одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди.Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар микдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлилик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадимий молиявий институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Солиқлар давлат органларини таъминлаш ва улар олдида турган вазифаларни бажарилишини моддий таъминлашнинг манбаси сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

«Солиқлар, - деб ёзади *Д. Рикардо*, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат мөхнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади».⁵ Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

С.Г.Пепеляев «Солиқ - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, якка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характеристига эга бўлмаган конунда белгиланган ягона шаклидир»⁶ - деб, таъкидлаган.

Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».⁷

Айрим иқтисодчилар солиқларни миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида изоҳлашга ҳаракат қилганлар, - «Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир»⁸.

О.Олимжоновнинг фикрига кўра: «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва хукукий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириб олинадиган тўловлардир»⁹. Солиқларга берилган мана шу таъриф энг мақбул таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини, солиқларнинг ҳаракат жараёнини назарий жиҳатдан чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аникроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Бугунги кунда солиқ категориясини ҳар томонлама, кенгроқ ва батафсилроқ, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, солиқларни назарий жиҳатларини аникроқ ва тўликроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси фанда мавжуддир.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита қуроли ҳисобланади.

Солиқни тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, ракобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфраструктурасини барпо қилишга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва шу кабиларга хизмат қиласи.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун

⁵ Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.

⁶ Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет

⁷ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

⁸ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Мехнат», 1995 й. 377-бет

⁹ Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиши ташкил этишга ёрдам беради.

Солиқларнинг белгилари борасида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар мавжуд. Масалан, проф. К.Яҳёев солиқларни умумий белгилари сифатида қуидагиларни кўрсатади.

1. Солиқлар ва йигимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ кодексининг қоидалари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий жиҳатдан давлат томонидан кафолатланади.

2. Солиқлар хазинага давлат бюджетига тушади. Аммо бошқа турдаги тўловлар «Умид», «Экосан» каби жамғармаларга тушиши солиқ муносабатларини акс эттирамайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихан асрлаб ўзгармай ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Унинг илмий асоси қанча чуқур бўлса, шунча қатъий ва узок йиллар ўзгармасдан ҳаракат қиласди.

4. Давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир¹⁰.

Солиқларнинг функциялари тўғрисида фанда турли хил қарашлар мавжуд. Собиқ иттифоқ даврида солиқлар икки хил функцияни бажаради, деган қараш кенг тарқалган эди. Бу икки функция сифатида фискал ва назорат функциялари тан олинарди. Энг асосий функция бу солиқларнинг фискал функциясидир, чунки бу функциясиз назорат функциясининг мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб қараларди.

Гарб иқтисодчилари кўпчилигининг назариялари англиялик иқтисодчи Ж.М.Кейнснинг концепциясига асосланади. Бу концепцияга кўра солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрот, Н.Кальдор, А.Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгаришиш ва турли хил имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Солиқларнинг даромадларни бошқариш функциясини юзага келишига француз иқтисодчиси Э.Де.Жирарденнинг назарияси асос бўлган. Бу назарияга кўра солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкий тенгиззликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига кўра давлат солиқлардан ва трансфер тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди. Бу назариялар солиқларнинг даромадларни тартибга солиш функцияси мавжуд деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлди.

И.Мальмигиннинг фикрига кўра солиқлар уч функцияни бажаради, яъни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функциялариидир. Унинг фикрига кўра биринчи функция

¹⁰ Яҳёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Ғафур Ғулом» 2003 й. 10-бет.

давлат даромадлари манбаларининг ташкил топиши билан боғлиқ, иккинчиси ҳукуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини тақсимлашни назарда тутади. Рағбатлантириш функцияси турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йўли билан амалга оширилади¹¹. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарб иқтисодий адабиётларидағи даромадларни бошқариш функцияси И. Мальмигинда тақсимлаш функцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Демак, функция категорияси доимий, қатъий тақрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услугбий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида ҳозирга қадар олимлар ўртасида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Бугунги кунга келиб солиқларнинг қўйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: *солиқнинг фискал функцияси, тартибга солиқ функцияси, разбатлантириш функцияси, назорат функцияси, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси*.

1.2. Ўзбекистон Республикасида солиқقا тортиш тизимининг ҳукуқий асослари ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳукуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳукуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни ва шу каби бевосита солиқقا оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Бундан ташқари энг асосий ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг макроиқтисодий кўрсаткичлар ва бюджет параметри тўғрисидаги қарорлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “2018 йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454 сонли қарори Республикализнинг иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги туб бурилиш бўлди.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари солиқ кодексига мувофиқ ҳисобланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексидан бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади.

Солиқ солиши – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин мувомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга гов бўлиши мумкин эмас.

¹¹ Мальмигин И. Налоги как элементы финансa. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69

Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси худудида соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги-сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Амалдаги солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўзлари рўйхатдан ўтган қуи Давлат солиқ хизмати органларига бориб, бюджет олдидағи ўз мажбуриятларини хатоларсиз бажариш мақсадида тегишли ахборотларни ёки маслаҳатларни бепул олиш имкониятларига эга.

- Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Солиқ тўловчилар нафакат Солиқ кодексида балки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Махкамасининг тегишли Қарор ва Фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар.

- Бюджетга ортиқча миқдорда тушган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, гоҳида солиқ тўловчиларнинг ўзлари, гоҳида эса солиқ идораларининг онгли ҳаракатлари туфайли соликлар ва йиғимлардан ортиқча тўловларни ундириш амалга оширилади, айниқса, чорак якуни ёки молиявий йил якунланаётган вақтда айрим солиқ турларидан прогноз-режаларни бажариш мақсадида корхоналарнинг банкдаги хисоб рақамларидан инкасса топшириқномаси орқали қонунчиликка зид равишда мажбурий ундириш ҳолатлари кўп учраши мумкин. Бюджетга ортиқча ундирилган соликлар 2018 йилдан бошлаб 15 кун (олдин 30 кун бўлган) муддат ичida солиқ тўловчиларга қайтарилиши ёки бошқа соликлар ва йиғимлардан қарзи мавжуд бўлган ҳолда ўша қарзни қоплаш имконияти пайдо бўлади.

- Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидағи ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш.

Ушбу бандга мувофиқ солиқ тўловчилар қуи солиқ идораларига берилган солиқ турлари бўйича белгиланган прогноз-режа ва шу каби хўжалик ва молиявий фаолиятларига тегишли бўлган солиқка тортиш масалалари бўйича маълумотлар билан танишиш имкониятларига эгадирлар.

- Солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътиrozларини ўн кунлик муддат ичida тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар фаолияти солиқ органлари томонидан текширилганда аниқланган хато ва камчиликлар, қўшимча ҳисобланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳисобланган молиявий жарималар тўғрисида тузилган далолатнома корхона мансабдор шахсларига (бош ҳисобчисига) таништирилиши шарт. Текшириш натижаларини корхона раҳбарияти ноҳақ деб ҳисоблаши ҳамда эътиroz билдириши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда, солиқ тўловчи солиқ идораси раҳбарияти номига ёхуд юқори солиқ идораларига ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Солиқ идораларида эксперт комиссияси тузилган бўлиб, ушбу комиссия томонидан солиқ тўловчиларнинг ёзма эътиrozлари бир ой муддат ичida кўриб чиқилади ва натижаси аризачига билдирилади. Бундай ҳолатда текшириш натижасида солиқ

тўловчига нисбатан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий жарималарни бюджетга ундириш тўхтатилмайди.

- Солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳатти-харакатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиши.

Солиқ органлари ўзларига берилган ваколот доираларида қабул қилган қарорлари айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг эътиrozларини келтириб чиқариши мумкин ёки улар мансабдор шахсларининг ҳатти-харакатларини солиқ тўловчи қонунга зид деб ҳисоблашлари ва уларга барҳам бериш мақсадида юқори солиқ органлари(Давлат солиқ бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси)га ёхуд судга шикоят билан даъво қилишлари мумкин. Бундай ҳолат амалиётда баъзида учраб туради.

- Солиқ солиши объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоб-китобини қўйи солиқ идораларида қонунчиликда белгиланган муддатларда топширгандан сўнг, хато ва камчиликларни аниқлашса уни қайта тузатиб дарҳол солиқ идораларида қайта солиқ ҳисоб-китобларини топширишлари лозим бўлади. Акс ҳолда, қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қўйидаги мажбуриятларга эгадирлар:

- белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳам), бу ҳақда солиқ органларини ўн кунлик муддат ичida ёзма равишда хабардор этиш.

Солиқ тўловчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, албаттa қўйи солиқ идораларидан ҳам рўйхатдан ўтиши ва тегишли равишда солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) ни олиши шарт. СТИР давлат солиқ қўмитаси томонидан марказлашган тартибда рўйхатга олинади ва солиқ тўловчиларга қўйи солиқ идоралари томонидан етказилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даврида ҳисобланган солиқлар ва йигимларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда бюджетга тўлаб беришлари шарт. Аксинча, солиқ идоралари томонидан ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган солиқлар ва йигимлар суммасига нисбатан ҳар бир кечиктирилган кун учун жарима (пеня) ҳисобланади. Ҳисобланган пеня миқдори корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан қопланади.

- Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларида мувофиқ юритиш.

Корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини юритишда қонунчилик билан белгилаб берилган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини юритишга мажбурдир. Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш тегишли қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

- Молиявий ҳисботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисоб-китобларини белгиланган муддатлардан кечиктиримасдан солиқ идораларида тақдим этади. Акс ҳолда, корхонага ва

корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ хужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан имтиёзлар хуқуқини тасдиқловчи хужжатларни солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчиларга солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида ёки бошқа қонун хужжатларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар кўзда тутилган ҳолда, улар имтиёз олиш хуқуқини тасдиқловчи тегишли қонун хужжатларини қуи солиқ идораларига тақдим этиши шарт. Имтиёз хуқуқини тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлгандагина улар имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текшириув режасига асосан Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолияти текширилганда корхоналар солиққа тортиш обьекти билан боғлиқ бўлган барча обьектларини кўздан кечиришга ва бундан ташқари текширишга шароит яратиб беришлари лозим. Акс ҳолда, солиқ идораларининг қонуний талаблари бажарилмаган ҳисобланади ва уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган тегишли жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ёки уларнинг бошқа ваколот доирасидаги қонуний талаблари солиқ тўловчилар томонидан бажарилиши мажбурдир.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун хужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

1.3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини таҳлили.

Иқтисодий адабиётларда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифиндиси *солиқлар тизими* деб тушунилади. Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси худудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қиласи ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси худудида умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қиласи.

Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига қўйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети прогнози тўғрисидаги маҳсус қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

7) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;

Бу тўлов ўз навбатида қўйидаги жамғармаларга тақсимланади: Пенсия жамғармасига, бандлик жамғармасига ва касаба уюшмаси жамғармасига.

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

- бюджетдан ташқари Песия жамғармасига мажбурий тўловлар;

8) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- Республка йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республка йўл жамғармасига йигимлар;

9) давлат божи;

10) божхона тўловлари;

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибida тўланадиган умумдавлат солиқлари:

11) ягона солиқ тўлови;

12) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солик.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қўйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи; ягона ер солиғи (соддалаштирилган тартибдаги солик)

3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;(2018 йилдан бекор бўлди)

4) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш хуқуки учун йифим;

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги хужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш хуқуки учун йигимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йигимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумий, қатъий ставкаларда белгилаши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетта тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобваракларида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловчилар зиммасига юкланди.

Маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, мудофаа, хавфсизликни сақлаш, аҳолини ижтимоий

химоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлишни талаб этади. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар Республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, Республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субъсидия берилади. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий хокимият органлари асосан фуқароларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, жумладан, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплади, холос.

Шунинг учун ҳам маҳалий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу худуднинг бюджетига тушади ва улардан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда умумдавлат солиқларидан ажратмалар берилади. (масалан, қўшилган қиймат солиғидан, акциз солиғидан ва бошқалар).

Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни обьекти ва иқтисодий моҳияти бўйича бир неча гурухларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Солиқлар солиққа тортиш обьектига қараб тўрт гурухга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар
2. Даромаддан олинадиган солиқлар
3. Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ тўлови ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ихтисослаштирилган улгуржи савдо корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқлари киради. Бу гурух солиқларга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқларини киритиш мумкин.


Эгри солиқларни ҳуқукий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади. Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар Республикада ишлаб чиқарилган товарларни Республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичida товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Эгри солиқлар

ставкасининг асосли равища оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан–тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солик ставкаси илмий асосланмасдан ошириб юборилса бундай ҳолатда корхоналар ўз товарларини сотиш қийинчилигига дуч келишлари мумкин. Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлари киради. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қиласди. Бу эса, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини бюджет даромадларининг таркибидаги юкори салмоғини таъминлашни тақозо қиласди. Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солик тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир.

Евropa мамлакатларида жами солик тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юкори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юкори бўлган мамлакатлар гурухига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қиласди.¹²

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳал қилувчи асосий қисмини юридик шахсларнинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар қуидаги умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар.

¹² Пансков В.П., Князев В.Г. Налоги и налогообложения. –М.: МЦФЭР, 2003. –с. 57-59.




1-чизма. Юридик шахслар томонидан тўланадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар¹³

Юридик шахслар солик тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт.

¹³ Солик кодекси асосида ишлаб чиқилди.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинади. Улар тўлайдиган солиқлар ва ийғимлар асосан бюджетга накд пул тўлаш йўли билан ўтказилади (2-чизма).



2-чизма. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинган. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг 20-25 фоизини ташкил этади.

Республикамизда солиқ ва тўловларни ҳисоблаш усувлари қуйидагича амалга оширилмоқда:

- Солиқларни декларация асосида тўлаш усули – фойда солиғи, даромад солиғи (қисман), қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи,

ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиги, ресурс солиқлари, ягона ижтимоий тўлов ва бошқалар.

- солиқларни тўлов манбаида ҳисоблаш усули – норезидентларнинг доимий муассаса билан боғлик бўлмаган фойдасига солик, ёлланиб ишлаш бўйича даромад солиги ва сугурта бадали, дивиденд ва фоизларга солик ва бошқалар.
- солиқларни қатъий тартибда тўлаш усули – юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиги, қатъий белгиланган солиқлар ва бошқалар.
- солиқларни ҳисоблашнинг кадастр усули – ягона ер солиги, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги.
- солиқларни тўлов хабарномаси асосида тўлаш усули – жисмоний шахсларнинг ер солиги, мол-мулк солиги, дехқон хўжаликларининг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017-2018 йиллар даромадлари
таркибининг асосий кўрсаткичлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Фарки	
	млрд. сўм.	млрд. сўм.	млрд. сўм	ўсиш (пасайиш) % ҳисобида
I. Даромадлар (бюджетдан ташқари мақсадли фондларсиз), жами	44469.9	62229.5	17759.6	39.9
1. Тўғри солиқлар	10 674,2	12805.4	2131.2	20
1.1 Юридик шахсларнинг фойда солиги	1291.1	2510.9	1219.8	94.5
1.2 Савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ягона солик тўлови	1613.2	1907.6	294.4	18.2
1.3 Микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солик тўлови	1622.8	2110.5	487.7	30.1
1.4 Жисмоний шахслар даромад солиги	4476.1	5198.8	722.7	16.1
1.5 Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солик	831.7	1077.6	245.9	29.6
1.6 Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши ва ободонлаштириш солиги (2018 йилдан бекор килинган)	839.3	-	-	-
2. Билвосита солиқлар, жами	24285.4	33404.3	9118.9	37.5
2.1 Кўшилган қўймат солиги	13422.1	22019.4	8597.3	64.1
2.2 Акциз солиги	6870.8	8343.8	1473	21.4
2.3 Божхона божи	1632.2	1415.3	-216.9	-13.3
2.4 Бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солик	1940.3	1323.2	-617.1	-31.8
2.5 Абонентлик рақамидан фойдаланганлик учун тўлов	420.0	302.5	-117.5	-28
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиги	6049.5	9714.5	3665	60.6
3.1 Мол-мулк солиги	1988.8	2158.9	170.1	8.6
3.2 Ер солиги	1102.5	1266.6	164.1	14.9
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ва маҳсус тўловлар	2746.3	6203.1	3456.8	125.9
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун				

солик	211.9	85.9	-126	-59.5
4. Қўшимча фойдадан солик	723.2	1367.7	644.5	89.1
5. Бошка даромадлар ва соликсиз тўловлар	2737.3	4937.6	2200.3	80.4
II. Давлат мақсадли фондлари даромадлари (Молия Вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фонди, Таълим ва медицина муассасаларини ривожлантириш жағармаси ҳамда Республика йўл фонди, Давлат бандлик фонд ива бошқалар)	25701.1	31451.9	5750.8	22.4
III. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ва тарақиёт жамғармаси	2755.9	5463.5	2707.6	98.2
Жами жамланма бюджет	72926.9	99144.9	26218	35.9

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27-декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 2699-сонли ҳамда 2017 йил 29-декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 3454-сонли қарорлари асосида тайёрланди.

Жадвалдан кўринмоқдаки, 2018 йилги давлат бюджети даромадлари ўртача қарийиб 40 фоизга, жами жамланма бюджет даромадлари эса қарийиб 36 фоизга ошган. Мустақил Ўзбекистон Республикаси бюджетининг тарихида илк бор давлат бюджети профицит (59.5 млрд.сўм) билан режалаштирилди.

Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг 2018 йил учун тасдиқланган ставкалари ҳақидаги ушбу ўқув-услубий мажмуя қўйидаги қонун ҳужжатларига асосан тайёрланди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-454-сон қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги "Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-455-сон қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги "Айrim давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-456-сон қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-454-сонли Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-454-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва ушбу Кодексдан 12 та модда (ХИИИ, ХВИ¹ бўйимлар ва 53-боб) чиқариб ташланди.

Жумладан,

Фойда солиги ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги битта солик турига – юридик шахслардан олинадиган фойда солигига бирлаштирилиши муносабати билан, Солик кодексининг 23, 30, 354, 363 ва 376 моддаларига тегишли ўзгартеришлар киритилди, шунингдек, Солик кодексининг XIII бўлими "Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги" ва унинг 295, 296, 299 ва 300-моддалари чиқариб ташланди.

Назорат саволлар

1. Соликларнинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодчи олимлар томонидан соликларга берилган тарифларни ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
3. Соликларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
4. Соликларнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқи нималардан иборат?
5. Адам Смит ўзининг қайси асарида илк бор соликларнинг тамойилларини асослаб берган?
6. О.Олимжонов соликларга қандай таъриф берган?
7. Соликларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
8. Соликларга оид билимларни олимлар томонидан турлича талқин этилиши сабаблари нимада?
9. Соликлар белгиларининг моҳиятини тушунтириб беринг.
10. Соликнинг эквивалентсизлик белгисини моҳиятини тушунтиринг.
11. Соликларнинг қандай функциялари мавжуд?
12. Соликларнинг функциялари ва вазифаларини фарқлаб беринг?
13. Солик элементлари таркибига нималар киради?
14. Соликни қандай ундириш усувлари мавжуд?
15. Солик кодексида белгилаб берилган солик тамойилларининг моҳиятини тушунтиринг?
16. 2018 йилда солик қонунчилигига киритилган ўзгартериш ва қўшимчалар тўғрисида.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. Темур тузуклари. –Т.: «Чўлпон», 1991. – 98 б.
5. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. – 377 б.
6. Яҳёев Қ.А. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
7. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Соликлар ва соликка тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.
8. Пансков В.П., Князев В.Г. Налоги и налогообложения. –М.: МЦФЭР, 2003. –с. 59.
9. Мальмигин И. Налоги как элементы финансa. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69
10. Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.
11. Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет
12. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

13. Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.cer.uz.
3. www.review.uz.
4. www.imf.org.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz
7. www.mf.uz
8. www.gov.uz

2-мавзу. Ўзбекистонда тўғри солиққа тортиш механизми

Режа

- 2.1. Ўзбекистонда бевосита соликларни солиқ тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.
- 2.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёzlари ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари.
- 2.3. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.
- 2.4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёzlари.
- 2.5. Даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.
- 2.6. Декларация асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш механизми.

Таянч иборалар: юридик шахслар, жами даромад таркиби, харажатлар таркиби, чегириладиган ва чегирилмайдиган харажатлар, солиқ солинадиган фойда, тўловчилари таркиби, солиқ солиш обьекти, резидентлар, норезидентлар ялпи тушум, таннарх, солиқ базаси, преференциялар, иш ҳақи ва бошқа даромадлар, прогрессив солиқ ставкаси.

2.1. Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар тўғри ва эгри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқалар зиммасига юқлатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол-мулк (ресурс) солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охир-оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гурух таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

Тўғри солиқларга қўйидагилар киради:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи
- Жисмоний шахслар даромад солиғи
- Кичик корхона ва микро фирмалардан олинадиган ягона солиқ тўлови.

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солиғи.
- Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (2018 йилдан бекор қилинган).
- Мол-мулк солиғи (юридик ва жисмоний шахслар учун).
- Ер солиғи (юридик ва жисмоний шахслар учун).
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ва маҳсус тўловлар.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.

Бевосита солиқлар - даромад, мол-мулк, фойдаланилган ресурслар ва бошқа объектларга белгиланиб, солик тўловчининг даромадидан ёки фойдасидан бевосита бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўловлардир.

Бевосита солик солиш объектлари - фойда ёки даромадлар, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, фойдаланилган ресурслар қиймати ва бошқалар бўлса, билвосита солиқлар обьекти-товарларнинг, иш ва хизматларнинг қўшилган қиймати, муайян товарлар ёки хизматлар қиймати ва бошқа қонун билан белгиланган обьектлар бўлиши мумкин.

Кўпгина талқинларда бевосита солик обьекти-“солик тўловчининг даромади (иш хақи, фойда, фойзлар ва бошқалар) ва мол-мулк (ерлар, уйлар, қимматли қофозлар ва бошқалар) қиймати” эканлиги ифодаланган. Бизнинг фикримизча, шулар қаторида фойдаланилган ресурсларга белгиланадиган бевосита солиқлар солик тўловчининг даромади ёки фойдасидан ундирилсада, лекин даромад ва фойданинг мавжудлигига катта кичикилигига боғлиқ бўлмайди.

Бевосита солиқлар янги яратилган қийматни қайта тақсимлашда иштирок этиб, солик тўловчи даромади ёки фойдасининг бир қисмини ташкил этади.

Олиб борилган ислоҳотлар сабабли ривожланган давлатларда ҳам бевосита солик ставкалари бир мунча пасайтирилди. Шу жумладан, корпарациядан олинадиган даромад солиғи ставкаси АҚШ да 35 фоиздан 21 фоизга (2018 йилдан бошлаб), Буюк Британияда 45 фоиздан 33 фоизга, Японияда 42 фоиздан 35 фоизга, Францияда 50 фоиздан 34 фоизга пасайтирилди. Бундан ташқари ушбу давлатларда жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортишда солик ставкаларининг юқори даражалари камайтирилди (мисол, АҚШда 39.6 фоиздан 29 фоизга). Бу тадбирлар хусусий сармояларни кўпайтириш, уларни иқтисодиётга йўналтириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун амалга оширилди.

Хорижий мамлакатлар солиққа тортиш тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатдик, ривожланган мамлакатларда амалга оширилган солик ислоҳотлари асосан солик юкини камайтириб боришга, бевосита ва билвосита солиққа тортишни оптималлаштиришга қаратилган.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда малакали кадрлар тайёрлаш солиқлар билан рағбатлантирилади. Масалан Францияда имтиёзли солиқлар билан биргаликда ҳар бир янги ташкил этилган иш ўрни учун бюджет устамаси жорий этилган. Бундан ташқари ўз ходимларини тайёрлайдиган корхоналар солик имтиёzlари оладилар. Республикамиз солиқлар тизимида кадрлар тайёрлаш учун кисман имтиёз берилган бўлиб, Вазирлар Махкамасининг 554-сонли ва 166-сонли карорларига биноан кадрлар тайёрлаш харажатларини меёридан ошган қисми (2%дан) ошган қисми фойда солиғига тортилади.

Бизнинг фикримизча мамлакатимизда ҳам малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдик, ривожланган мамлакатларда одатда бевосита солиқлар мухим фискалъ вазифани бажаради. Бевосита солиқлар таркибида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва корпорациялар фойда солиғи бюджетга кўпроқ молиявий ресурс жамғаради. Эркин бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жисмоний шахслар даромад солиғи бюджет даромадининг асосий манбай бўлиб

хисобланади. Масалан, жисмоний ва юридик шахслар даромад солиғи “Швеция бюджети даромадининг 41 % ни ташкил этади¹”.

Республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкалари таққосланганда, ҳар мамлакат ўзининг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, энг қуи ва энг юқори ставкаларни белгилаганлиги кўринади. Умуман, кўпгина мамлакатларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ставкалари даромадлар микдорига боғлиқ равишда табақалаштирилади. Шунга кўра, фуқароларнинг реал даромадлари мувофиқлаштириб борилади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг тажрибаларига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ставкалари қанчалик прогрессив ҳолда юқори бўлса, даромадларни яшириш ва соликдан қочиш хавфи шунчалик юқори бўлади. Жумладан, Россияда 2000 йилда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиғи ставкалари прогрессив ҳолда 12, 20 ва 30 фоизлардан иборат бўлиб, 2001 йилдан бошлаб, ушбу соликни ягона 13 фоиз ставка билан ундириш жорий қилингандан кейин 2001 йил 10 ойлик якунлари бўйича ўтган йилнинг шу ҳисобот даврига нисбатан 13,0 млрд рублдан кўп маблағ бюджетга жамғарилган¹.

Мамлакатимизда иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи - ставкаларини камайтириш борасида самарали ишлар олиб борилаётган бўлса-да, уларни етарли деб бўлмайди.

1-диаграмма



Манба: ЎзР Молия вазирлиги маълумотлари, муаллиф хисоб-китоблари


Ўтган йиллар двомида солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 20.5 фоизни ташкил этди (2-диаграмма).

2-диаграмма

¹ Высоцкий В.А.О Шведском опыте налогового администрирования. Налоговые вести.2002 г №1-121 с.

¹ Рыбаков.Н.В.” Труд”. 2001 год, 6-11 декабрь, 2 с.

СОЛИҚ ЙОКИНИНГ ПАСАЙИШИ, ЯИМГА НИСБАТАН ФОИЗДА



7

Манба: ЎзР Молия вазирлиги маълумотлари, муаллиф ҳисоб-китоблари

2018 йилда ҳам иқтисодиётта солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ тизими бошқарувини такомиллаштириш, иқтисодий асосланмаган ва самараасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ түловчиларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашларига иқтисодий манфаатдорликни ошириш, шунингдек, давлат харажатларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Солиқ юкини мамлакат иқтисодиётiga таъсирини камайтириш ва хўжалик субъектлари учун оптимал солиқ юкини аниқлаш юзасидан қуйидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин:

- хўжалик субъектлари учун солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришни давом эттириш ва унинг энг оптимал чегарасини аниқлаш;
- нотекис тақсимланган солиқ юкини юридик ва жисмоний шахсларга тенг тақсимлаш ҳамда мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида хўжалик субъектларининг солиқ юкини ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмайдиган меъёрий чегараларини белгилаш.

Солиқ сиёсатининг асосий кўрсаткичи бу солиқ юкидир.

Макроиқтисодий даражада солиқ юки ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланган солиқларнинг ЯИМга нисбати:

$$СЮ = СТ / ЯИМ * 100$$

- СЮ – солиқ юки;
- СТ – ҳисобот даврида давлат бюджетига солиқ тушумлари суммаси;
- ЯИМ – ҳисобот давридаги ялпи ички маҳсулот.

Бундан ташқари солиқ юкини аниқлаш услублари қуйидагичадир:

Микроиқтисодий даражада солиқ юки ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

ЎзР МВ ва ДСҚ томонидан тавсия этилган услуб:

$$СЮ = С / Т * 100$$

- СЮ – солиқ юки;
- С – ҳисобот даврида ҳисобланган солиқлар суммаси;
- Т – маҳсулот (иш, хизмат) лар реализациясидан тушум суммаси.

Иқтисодчи олима Е.Кирова томонидан тавсия этилган услуб:

$$СЮ = (СТ+ИТ)/ЯЯҚ * 100$$

$$\text{ЯЯК} = \text{ИХ} + \text{ИТ} + \Phi + \text{СТ}$$

- ЯЯК – янгидан яратилган қиймат;
- ИХ – иш ҳақи түловлари;
- ИТ – ижтимоий түловлар;
- Φ – корхона фойдаси;
- СТ – солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар.

Иқтисодчи олим М.Литвин томонидан тавсия этилган услугб:

$$\text{СІО} = \text{ЖС} / \text{КК} * 100$$


- ЖС – солиқларнинг жами суммаси;
- КК – кўшилган қиймат.
- КК = ялпи даромад – материал харажатлар ёки
- КК = иш ҳақи + амортизация + фойда + солиқлар

Иқтисодчи олимлар Е.Егорова ва Ю.Петровлар томонидан тавсия этилган услугб қуйидагича:

$$\text{СІО} = (\text{КС} + \text{ИС} + \text{МС}) / \text{КК} * 100$$

- КС - корхонадан ундириладиган солиқларнинг умумий суммаси;
- ИС - корхона ишчиларининг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва бадаллар;
- МС - мулкдорлар ва инвесторлардан ушлаб қолинадиган солиқлар.

Солиқ юкини оптималлаштиришнинг **А.Лаффер концепцияси** қуйидагича:



БД – бюджет даромадлари;

Сст – солиқ ставкаси (0 дан 100 фоизгача);

БД_{max} – бюджетга тушумларнинг мумкин бўлган максимал даражаси;

Сст* - бюджет даромадларининг энг юқори даражасини таъминайдиган оптимал солиқ ставкаси.

Хорижий давлатларда ўртача солиқ юки даражасини қуйидаги жадвал асосида қўриб чиқамиз.

Турли давлатларда солиқ юки даражаси, 2015 йил

№	Мамлакат	Солиқ юки, %	№	Мамлакат	Солиқ юки, %
1	Дания	49,5	20	Литва	30,2
2	Швеция	48,9	21	Швейцария	29,7
3	Франция	45,0	22	Жанубий Корея	28,7
4	Италия	43,3	23	АҚШ	28,3
5	Германия	40,8	24	Япония	27,9
6	Венгрия	39,9	25	Беларуссия	27,5
7	Б. Британия	37,9	26	Қозоғистон	26,7
8	Испания	37,9	27	ЖАР	26,6
9	Ирландия	37,0	28	Аргентина	24,5
10	Украина	36,9	29	Туркия	23,7
11	Чехия	36,9	30	Вьетнам	23,2
12	Бразилия	35,3	31	Қирғизистон	22,6
13	Россия	34,6	32	Туркменистан	21,8
14	Молдова	34,1	33	Грузия	21,6
15	Польша	33,5	34	Ўзбекистон	20,0
16	Канада	33,3	35	Ҳиндистон	18,8
17	Эстония	33,2	36	Хитой	18,3
18	Латвия	31,3	37	Индонезия	11,3
19	Австралия	30,6	38	Қувайт	3,1

Манба: Давлат бошқаруви академияси материаллари

Юқоридаги маълумотлардан кўринмоқдаки, солиқ юки даражасининг энг паст кўрсаткичи Қувайт давлатида (3,1%) ва энг юқори даражаси Данияда (49,5%) қайд этилган.

Солиқ тизими, бир томондан, давлат бюджетига ундириладиган амалдаги солиқ қонунчилигида белгиланган солиқ ва тўловлар тизимидан, иккинчи томондан эса, шу солиқ ва тўловларни давлат бюджетига тушумини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функциясини бажарувчи давлат солиқ хизмати органлари тизимидан иборат.

Хукуматимиз томонидан олдимизда турган муҳим устувор вазифаларнинг белгиланиши ва унда биринчи устувор вазифанинг «...бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддлаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш...» сифатида белгилаб берилиши ҳам иқтисодий, ҳам социал – ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

**Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида солиқ тизимидағи солиқ ва
йиғимлар турларининг камайиб бориш динамикаси**

Йиллар	Солиқ ва йиғимлар турлари сони (мажбурий тўловларсиз)
1992	24
1994	24
1995	22
1996	21
1998	20
1999	18
2000	17
2001	16
2002	15
2003	14
2004	14
2005	13
2006	12
2007	12
2008-2017	11
2018	10

Манба: Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтирилиши оқибатида кўзланган мақсадга эришиш нафақат иқтисодий усуслар орқали, шунингдек, психологик омилларнинг таъсиранлигини ҳам оширишни талаб этади. Бу ўринда солиқ маданиятини юксалтириш катта аҳамиятга эгадир. Солиқ тўловчиларда ва солиқ хизмати органи ходимларида солиқ маданиятини ошириш давлатнинг солиқ сиёсати орқали солиқ юкини камайтиришдан кўзланган мақсаднинг асл моҳиятини тушуниб етишга имкон яратилади.

Солиқ ислоҳотларининг бардавомлиги ҳукumat томонидан маъқулланган, хўжалик субъектларининг солиқ юкларини янада пасайтиришга қаратилган, 2018 йилдаги солиқ сиёсати концепциясида ҳам ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 1 чорагида жами бўлиб 266400 та юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжалигидан ташқари) рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 28.8 фоизи ёки 76723 таси савдо ва умумовқатланиш корхоналарини, 26.6 фоизи ёки 70862 таси саноат, 8.6 фоизи ёки 22910 таси қурилиш, 8.5 фоизи ёки 22644 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этади. Акциядорлик жамиятлари сони 656 тани (жамига нисбатан 0.25 фоиз)ташкил этади, шундан 242 таси Тошкент шаҳрида жойлашган.¹⁴

Бюджет даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий бўлмасдан, мамлакат тараққиёти ва давлатнинг олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадларига 2017 йилда қўйидаги таркиб ва тузилма хосдир (3-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 2017 йилда тўғри (бевосита) соликлар, эгри (бильвосита) ва ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи, қўшимча фойдадан олинадиган солиқ ва бошқа даромадлардан таркиб топган.

¹⁴ www.stat.uz маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва тузилмаси¹⁵

Д а р о м а д л а р (давлат мақсадли жамғармаларисиз)	2017 йил	
	млрд. сўмда	% да жамига нисбатан
1. Тўғри (бевосита) соликлар	10 674,2	24.0
1.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1291.1	2.9
1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солик тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1613.2	3.6
1.3. Ягона солик тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар	1622.8	3.6
1.4. Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солик	4476.1	10.1
1.5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солик	831.7	1.9
1.6. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солик	839.3	1.9
2. Эгри (бильвосита) соликлар	24285.4	54.6
2.1. Қўшилган қиймат солиғи	13422.1	30.2
2.2. Акцизлар	6870.8	15.4
2.3. Божхона божлари	1632.2	3.7
2.4. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солик	1940.3	4.4
2.5. Абонентлик рақамидан фойдаланганлик учун тўлов	420.0	0.9
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	6049.5	13.6
3.1. Мол-мулк солиғи	1988.8	4.5
3.2. Ер солиғи	1102.5	2.5
3.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик	2746.3	6.2
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	211.9	0.5
4. Қўшимча фойдадан олинадиган солик	723.2	1.6
5. Бошқа даромадлар	2737.3	6.2
Давлат бюджетининг жами даромадлари¹⁶	44469.9	100,0

Давлатимиз бюджетининг даромадларини таркибий тузилмасида эгри (бильвосита) соликлар, яъни қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари, божхона тўлови ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига олинадиган соликлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Айнан шу турухга кирувчи соликлар ҳисобидан давлат бюджети даромадларининг ярмидан ортиғини (54,6%) шакллантирмоқда. Бу соликлар орасида қўшилган қиймат солиғи (30,2%) ва акцизлар (15,4%) давлат бюджети даромадларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Биргина қўшилган қиймат солиғи ёрдамида давлат бюджети даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисмидан қўпроғи шакллананаётганлиги бу соликнинг бюджет даромадлари тузилмасидаги ўрнининг қандай эканлигини яққол кўрсатаяпти.

¹⁵ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27-декабрдаги ПП-2699 – сонли “2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари ва асосий макроинтиқсодий кўрсаткичларининг прогнози тўғрисида”ги карори материаллари асосида тузилган.

¹⁶ Давлат мақсадли фондларининг маблағларисиз.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадларининг таркибий тузилмасида тўғри (бевосита) соликлар ҳам ўз ўрнига эга. Улар ёрдамида бюджет даромадларининг қарийиб $\frac{1}{4}$ қисми ташкил топмоқда. Унинг асосий қисми (жами тўғри (бевосита) соликларнинг 41,9%) эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг хиссасига тўғри келаяпти. Бу ерда юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ҳам шу гурухга киравчи бошқа соликларга нисбатан бюджет даромадларини шакллантиришда алоҳида роль (12,1%) ўйнамоқда.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги ёрдамида Давлат бюджети даромадларининг 13,6% ташкил топаяпти. Унинг асосий қисми (шу гурухга киравчи соликларнинг 45,4%) ер қаъридан фойдаланганлик учун соликка тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларини куйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди, бунда:¹⁷

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 48 476 млрд. сўм, харажатлари 49 090 млрд. сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 17 350 млрд. сўм ва харажатлари 16 633 млрд. сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва медицина муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари 2 051,6 млрд. сўм ва харажатлари 2 051,6 млрд. сўм миқдорида тасдиқланди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-3454 сонли карори.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил давлат бюджети даромадларининг таркиби,
тузилмаси ва унинг ижроси таҳлили¹⁸**

(млрд. сўм)

Д а р о м а д л а р	2016 йил		
	Режа	Ижро	Фарқи +; -
1. Тўғри (бевосита) солиқлар	9338,5	9853,6	+515,1
1.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	1266,0	1215,1	-50,9
1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1383,2	1516,1	+132,9
1.3. Ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар	1237,9	1440,8	+202,9
1.4. Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ	4040,4	4137,4	+97
1.5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқ	742,5	822,3	+79,8
1.6. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ	668,5	721,9	+53,4
2. Эгри (биливосита) солиқлар	22298,1	21131,0	-1167,1
2.1. Кўшилган қиймат солиги	12505,0	11891,6	-613,4
2.2. Акцизлар	6480,0	6258,5	-221,5
2.3. Божхона божлари	1717,4	1449,5	-267,9
2.4. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ	1595,7	1531,3	-64,4
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги	5806,5	5306,2	-500,3
3.1. Мол-мулк солиги	1874,0	1659,3	-214,7
3.2. Ер солиги	873,5	966,7	+93,2
3.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	2874,6	2517,7	-356,9
3.4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	184,4	162,5	-21,9
4. Кўшимча фойдадан олинадиган солиқ	390,2	-	-
5. Бошқа даромадлар	2671,5	4739,9	+2068,4
Давлат бюджетининг жами даромадлари¹⁹	40505,8	41030,7	+524,9

Жадвалдан кўринмоқдаким, 2016 йил давлат бюджетининг жами солиқли даромадлари 524,9 млрд.сўмга ортиғи билан бажарилган. Бу эса асосан бошқа даромадлар (солиқсиз даромадлар) эвазига бажарилган.

¹⁸ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22-декабрдаги ПП-2455 – сонли “2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари ва асосий макроинқисодий кўрсаткичларининг прогнози тўғрисида”ги қарори материаллари ва унинг ижроси www.mf.uz сайти асосида тузилган.

¹⁹ Давлат мақсадли фондларининг маблағларисиз.

2.2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлари ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари.

Солик кодексига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиги тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган фойдага эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Аммо солиққа тортишнинг алоҳида тартибига ўтган корхоналар, жумладан ягона солик тўловига ўтган микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солик турини тўловчиси ҳисобланмайдилар. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг факат алоҳида турларига қатъий ставкада солик тўловчилар ҳам бу солиқни тўловчилари ҳисобланмайди.

Юридик шахслар фойда солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим иқтисодиёт тармоқ корхоналари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин (мисол учун, энергетика, нефтегаз каби тармоқ корхоналарида).

Фойдани солиққа тортиш мақсадида солик тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб, Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги фаолиятдан олган даромадларидан фойда солигига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса, факат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўрсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада вақтингчалик ҳарактерга эга бўлади.

Юридик шахслар фойда солиғи тўловчилари бўлиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- адлия органларидан рўйхатдан ўтган бўлиши;
- ўзининг мол-мулкига эга бўлиши;
- мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши;
- идентификацион рақамга эга бўлиши;
- рухсат этилган фаолиятдан фойда олиши (қонунчилик билан таъкиқланган фаолиятдан ташқари);

Умумий тартиб бўйича юридик шахслар қайд этилган шартларга жавоб берсагина фойда солиғи тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Солик кодексининг 127-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг обьекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва норезидентларининг фойдаси ҳамда резидент ва норезидентларнинг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаидан солик солинадиган даромадлари ҳисобланади.

Солик солинадиган база эса жами даромад билан чегириб ташланадаган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида солик солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади (Солик кодексининг 128-моддаси).

Юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиқни тўлиқ, тўғри аниқлаш (ҳисоблаш) учун уларнинг жами даромадлари таркибига нималар киришини мукаммал ўрганиш зарур бўлади.

Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олиниши лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул (пулсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Демак, олинган кредитлар жами даромадга кирмайди.

Солиқ кодексининг 130, 204, 355-моддаларига киритилган қўшимчалар ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи маҳсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солиш мақсадида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови бўйича товарларни реализация қилишдан олинган тушум, шунингдек қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиқсан ҳолда аниқланиши тартибини белгилашга йўналтирилган.

Юридик шахсларнинг **жами даромадлари таркибиغا** куйидагилар киради:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинадиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромад ҳисобланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиқсан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи хужжатлар асосида белгиланади.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради. Жумладан:

- асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;
- мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- текин олинган мол-мулқ, мулкий хуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;
- инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулқ қиймати тарикасидаги даромадлар;
- ҳисбот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;
- мажбуриятларни ҳисбдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;

Бунга даъво муддати ўтган ҳисбдан чиқарилган мажбуриятлар ҳамда суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисбдан чиқарилган мажбуриятлар киради.

- талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиши шартномаси бўйича олинган даромадлар;
- жами даромаддан илгари чегириб ташланган харажатлар ёки заарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;
- хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;

- ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарима ва пенялар;
- валюта хисобвараплари бўйича курсдаги ижобий фарқ;
- дивидендлар ва фоизлар;
- роялти;
- товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш Билан бевосита боғлик бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

Солик кодексига кўра куйидагилар юридик шахс даромади сифатида қаралмайди:

- устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар;
- сотилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак-аванс) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳукуқлар);
- бюджетдан берилган субсидиялар;
- агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳукуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳукуқлар), ишлар ва хизматлар;
- олинган грантлар;
- суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;
- инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк;
- ва бошқа конунчиликда назарда тутилган даромадлар.

Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низом билан аниқланади ва қўйидаги кетма-кетлиқдаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

1) маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.

ЯФ=ССТ-ИТ, бу ерда:

ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннахии;

2) асосий фаолиятдан олинган фойда.

АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ, бу ерда:

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

3) умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар).

УФ=АФФ+МД-МХ,

бунда: УФ-умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД-молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ-молиявий фаолият харажатлари;

4) солиқ тўлангунча олинган фойда.

СТФ=УФ+ФП-ФЗ,

бунда: СТФ-солиқ тўлагунча олинган фойда; ФП-фавқулодда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавқулодда вазиятдан кўрилган зарар.

СФ= СТФ-ФС-БС

бунда: СФ-соф фойда; ФС-фойда солиғи; БС-бошқа солиқлар

Йилнинг соф фойдаси, корхона фойда солиғини ва ундан кейин ободонлаштриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлагандан сўнг корхонаниг ўзида

Жами даромаддан чегирмалар. Солиқ тұловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади. Харажатлар қақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилген бўлса, ўша даврда чегирилади. Солиқ кодексига кўра (141-модда) харажатлар чегириладиган ва чегириб ташланмайдиган харажатларга бўлинади.

Чегириб ташланадиган харажатларга моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, амортизация харажатлари ҳамда Солиқ кодексининг 145-моддасида назарда тутилган бошқа харажатлар киради.

Солиқ солинадиган базага киритиладиган, яъни чегирилмайдиган харажатларга қўйидагилар киради:

- моддий қимматликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;
- ходимларга бериладиган ёки солиқ тұловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);
- хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар;
- нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;
- хўжалик бошқаруви органини саклаб туриш учун ажратмалар;
- умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;
- йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;
- солиқ тұловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;
- ходимларга бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган озиқ-овқатлар, товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматликлар ёки солиқ тұловчининг ходимлари учун ишлар ҳамда хизматларни бажариш қиймати, уларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммалари);
- ходимларга қўшимча берилган таътилларга тўланган ҳақ ва улар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча компенсациялар, бундан ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун айрим тармоқларнинг ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча таътиллар учун тўланган ҳақ мустасно;
- ходимларнинг овқатланиши, йўл ҳақи, даволаниши учун, даволаниш ва дам олиши учун йўлланмалар, экскурсиялар ва саёҳатлар учун, спорт секциялари, тўғараклари, клубларидаги машғулотларга, маданий-томоша, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига бориши учун, обунага ҳамда ходимларнинг шахсий фойдаланиши учун товарларга қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш ёки тўлаш ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар;
- ходимларга тўланадиган моддий ёрдам (ходимнинг меҳнатда жароҳатланиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно);
- ишлаб чиқарышда шикастланганлик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотганлик

муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорларисиз ҳақиқатдаги иш ҳақигача тўланадиган тўловлар;

– экология, соғломлаштириш ҳамда бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар киритиш;

– ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

– маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар;

– атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун хўжжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

– кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

– лойихалардаги ва қурилиш-монтаж ишларида камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки заарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

– байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир йўла мукофотлар;

– суд чиқимлари;

– айборлари аниқанмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган заарлар; солик тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкининг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хўжжатларига мувофиқ аниқланадиган) заарлар.

Солик кодексининг **145-моддасига** киритилган қўшимчалар фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилиши лозим бўлган харажатлар рўйхати кенгайтирилишини белгилади, шунга мувофиқ, тегишли харажатлар Солик кодексининг **147-моддасида** назарда тутилган чегирилмайдиган харажатлар таркибидан чиқариб ташланди.

Аввал чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланган юридик шахсларнинг қўйидаги харажатлари 2018 йил 1 январдан бошлаб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солик солинадиган базани аниқлашда чегириладиган харажатларга киритилади:

– ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва солик тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун бериладиган товарларнинг нархларидағи фарқлар (зарарлар);

– нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

– хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

– йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

– пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар;

– солик тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

– ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

– шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишларини бажариш харажатлари;

- ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини тўлашга доир харажатлар;
- ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳак.

Солик кодексининг **146-моддасига** киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар алоҳида харажатларнинг жорий ҳисбот даврида, агар юридик шахснинг ҳисоб сиёсати билан белгиланган бўлса, улар юзага келган пайтда ҳам чегирилиши мумкинлигини аниқлаштиради. Бундай харажатларга қўйидаги:

- янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;
- барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синааб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;
- ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар киради.

Солик кодексининг **156, 179, 356-моддаларидаги** тартибининг чиқариб ташланиши 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига йўналтирилган даромадларидан тегишлилигича фойда солиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва ягона солик тўлови бўйича имтиёзларнинг бекор қилинишини назарда тутади.

Юридик шахсларнинг фойда солиги ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкаси 1998 йилда 36 фоизни ташкил этгани ҳолда 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилда 20 фоиз, 2004 йилда 18 фоиз, 2005 йилда 15 фоиз, 2006 йилда 12 фоиз 2007 йилда 10 фоиз ва 2017 йилда 7.5 фоиз ҳамда 2018 йилда эса 14 фоиз (ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги) килиб белгиланган.

Кўйидаги жадвал маълумотларида 2018 йилда юридик шахсларнинг фойдасига солик ставкалари келтирилган.

6-жадвал

Юридик шахслар фойдасига солинадиган солик СТАВКАЛАРИ²⁰

№	Тўловчилар	Солик солина- диган базага нисбатан %да солик ставкалари
1	Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	14
2	Тижорат банклари	22
3	Рентабеллик даражасига қараб мобиль алоқа хизматини амалга оширувчи юридик шахслар*: 20 фоизгача 20 фоиздан юқори	14 рентабеллик даражасига 20 фоиздан юқори бўлса 50 фоиз

Изоҳ:

Фойда ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигидан имтиёзларга эга - вақтинчалик озод бўлган юридик шахслар солик имтиёзлари

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори.

тугаши муддатигача юқорида белгиланган солиқ ставкасининг икки марта камайтирилган миқдорида тўлайдилар.

*Ретабеллик даражаси солиққа тортиладиган фойдани маҳсулотнинг реализацияси таннархига нисбати орқали аниқланади.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги хиссаси сотишининг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача ҳамда 30 фоиз ва ундан юқори миқдорларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун жорий этилган преференциялар бекор қилинди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини босқичма-босқич 1992 йилдаги 38 фоиздан 2017 йилда 7.5 фоизгача туширилиши корхоналар ихтиёрида тахминий ҳисобкитобларга кўра қўшимча 1 трлн. сўмни тежаш имконини берди ва у корхоналарнинг инвестицион фаоллигини янада активлаштиришга хизмат қилди.

2017 йилгача бўлган солиқ қонунчилигига кўра норезидент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10 фоиз миқдорида фойдасидан солиқ ундирилган. 2018 йилдан бошлаб Солиқ кодексининг 154-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан, доимий муассаса орқали фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун қўшимча равишда соф фойдадан ундириладиган солиқ бекор қилинди, шунингдек, солиқ солинадиган фойдани аниқлашда фойда солигини ҳисоблаб чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойданинг энг кам суммаси, харажатлар суммасининг 10 фоизидан 7 фоизига пасайтирилди.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қўйидаги ставкаларда солиққа тортилади:

- дивидендлар ва фоизлардан – 10 фоиз;
- суғурта мукофотлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш – 10 фоиз;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади) – 6 фоиз;
- рояльти, ижара даромадлари, хизмат қўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар – 20 фоиз.

Маҳаллий акциядорлик жамиятларида тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўлов манбаида 10 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Солиққа тортиш мақсадида дивиденд деб, акциялардан ва бошқа хўжаликлар субъектларининг устав капиталидаги қатнашиш улусидан олган даромадлари тушунилади.

Фоизларга эса депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлардан олган даромадлар киради.

Манбаида солиққа тортилган ва дивиденд, фоиз олган норезидент жами даромадидан тегишли тартибда белгиланган хужжатларни тақдим этган тақдирда чегирма олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Солиқ кодексининг 158-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан қўйидаги юридик шахслар озод этилади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қўйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси;

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарни бориладиган пенсия ҳисобварақларидағи маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

Солиқ кодексининг 159-моддасига кўра юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қўйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимиюти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

2) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг обьекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади;

3) ёш оиласар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

4) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

5) қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига;

Бундан ташқари 2023 йилнинг 1 январига қадар қўйидаги имтиёзлар узайтирилди:

- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 60-63-моддаларида кўрсатилган манбалардан қўшимча даромад оладиган бюджет ташкилотлари ундириладиган барча солиқлар, Республика йўл жамғармасига йиғим ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

- Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган хорижий олий ўкув юртлари Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим фаолияти доирасида соликларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди қисмидан ягона ижтимоий тўлов ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлашдан озод этилди.

2018 йил 1 апрелдан бошлаб эса қуидаги имтиёзлар бекор қилинди:

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар, шу жумладан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича;

экспорт қилувчи корхоналарга экспорт улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиги, мол-мулк солиги ва ягона солик тўлови бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди.

2.3. Фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Заарларни тақсимлаб ўтказиш. Чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солик тўловчи кўрилган заарларни ушбу зарар кўрилган солик давридан кейинги беш йил ичida келгусига тақсимлаб ўтказишини амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган солик даврида ёки ўтган солик даврларида ҳисоблаб чиқарилган зарари бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг тўловчилари жорий солик даврининг солик солинадиган фойдасини кўрилган заарнинг тўлиқ суммасига ёки бу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган заарнинг ҳар бир навбатдаги солик даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солик даврининг ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солик солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган заарлар улар кўрилган кетма-кетлиқда тақсимлаб ўтказилади.

Солик тўловчининг юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан озод қилинган солик даврида кўрган заарлари кейинги солик даврларига тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Солик тўловчи қайта ташкил этилиши муносабати билан фаолиятини тугатган тақдирда, солик тўловчи-хуқукий ворис солик солинадиган фойдани қайта ташкил этилган юридик шахснинг қайта ташкил этиш пайтигача кўрган заарлари суммасига белгиланган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисоблаб чиқариш юқорида ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китоби давлат солик хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисботот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисботот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солик хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисбототни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисбототни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соғ фойдадан олинадиган солик суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тутатилган тақдирда, бу хужжатлар фаолият тутатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солигини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирилмаган ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳакининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиги суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиги суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирилмаган оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солигини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичida тўлади.

Жорий тўловлар белгиланган муддатларгача бюджетга тўланмаса уларга нисбатан солиқ қонунчилигида кўзда тутилган ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,033 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) кўлланилади.

2.4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёzlари.

Жисмоний шахсларга – юридик шахс мақомини олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради.

Жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичida бюджет тушумларидан салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ бу – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги – давлат бюджети даромад манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.

Бугунги кунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бюджет даромадларининг 8,3 фоизини ташкил этмоқда. Даромад солиги 1991 йилда бюджет тушумларининг 6,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 13,1 фоизни, 2017 йилги давлат бюджети параметрлари бўйича ушбу солиқ давлат бюджети даромадларининг 10,1 фоизини ташкил этган. Тўғри солиқлар ичida эса мазкур солиқ 2018 йилда 40,6 фоизини ташкил этиши прогнозлаштирилган.

Солиқ кодексига кўра молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади. Солиқ солиши мақсадида жисмоний шахслар резидентлар ва норезидентларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ

муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиқка тортиладиган база бўлиб, жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилигига кўра белгиланган чегирмаларни айриб ташлагандан кейинги қолдиқ сумма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган суммаларнинг миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради. Жумладан:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар (172-модда);
- 2) жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари (176-модда);
- 3) жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидағи даромадлари (177-модда);
- 4) бошқа даромадлар (178-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидағи даромадларга рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар (йиллик иш якунлари бўйича мукофот, бир йўла бериладиган мукофотлар, маошларга устамалар, таътилга ҳар йилги қўшимча ҳақлар, кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва бошқалар), компенсация тўловлари (табиий иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар, оғир, заарли, ўта заарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, дам олиш кунларида ва байрам кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамала ва бошқалар) ҳамда ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш, меҳнатга лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш, юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш, олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар ва бошқа шу кабилар) тарзидағи даромадлар ҳам киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига фоизлар, двидентлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, роялти ва шу каби қонунчиликда кўзда тутилган даромадлар киради.

Моддий наф тарзидағи даромадлар жумласига юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий хуқуқларни тўлаш, шу жумладан: жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш; коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг

ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; озиқ-овқат, ойлик йўл чипталари ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш кабилар киради.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига эса давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар; стипендиялар; донорлик учун пул мукофотлари; алиментлар; мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари; ютуқлар; грантлар; жамғаривор бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоизлар ва бошқа даромадлар киради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кўпгина мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам прогрессив солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва ўрнатилган тартибда давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан жисмоний шахсларга билдирилади. Ҳар йили белгиланган ставкалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуидаги гурухларга бўлинади:

- жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларига солинадиган табақалашган прогрессив солиқ ставкалари;
- жисмоний шахсларнинг дивидент ва фоиз тариқасида оладиган даромадига солиқ ставкаси;
- норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ ставкалари;
- имтиёзли солиқ ставкалари.

Солиқ қонунчилигига биноан 1998 йилдан республикамида жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси 15, 25, 35, 40, 45 фоиз, яъни 5 поғонали қилиб белгиланган эди. 2000 йилдан бошлаб 4 поғонали, яъни 15, 25, 36, 40 фоиз, 2001 йилдан эса 3 поғаналига ўтиб, унинг ставкаси 12, 25, 30 фоиз қилиб белгиланган эди.

2018 йилдан жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси қуидаги жадвал маълумотлари асосида ҳисобланади (7-жадвал).

7 -жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари²¹

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 0 фоизи
энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 7,5 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+ 1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 16,5 фоизи

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017йил 29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли карори

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+ 1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22,5 фоизи
---	---

Бунда, солиқ солинадиган даромадлар гурухлари бўйича солиқ солиши шкаласи йил бошига – 2018 йил 1 январга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (172 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида, энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан бошлаб тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).

Қонун хужжатларига мувофиқ энг кам ставка бўйича солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг алоҳида даромад турларини соликқа тортиш мақсадида энг кам ставка 7,5 фоиз миқдорида кўлланилади.

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги суммаси фуқароларнинг шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинадиган даромадларидан “0” ставка бўйича солиқ солинадиган даромадни (энг кам иш ҳақини) чегирган ҳолда 2 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, куйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- дивиденд ва фоизлар - 10 фоиз;
- хатарни суғурталаш ёки қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари - 10 фоиз;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қатновида халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар) - 6 фоиз;
- роялти, ижарадан келган даромадлар, хизматлар кўрсатишдан келган даромадлар, шу жумладан бошқарув бўйича хизматлар, маслаҳатларга оид ва бошқа даромадлар - 20 фоиз;

Тўлов манбаида солиқ солиши, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичидаги ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, кўлланилади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивиденклар ва фоизларга 10 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Бунда солиқ солиши мақсадида дивиденларга акциялар бўйича ҳамда қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради. Фоизларга қарз мажбуриятлари ва хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келадиган даромадлар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта заарли, ўта оғир, заарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиги олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмидаги қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси ҳам 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ўта заарли, ўта оғир, заарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловларга (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловларга) энг кам ставка бўйича солиқ солинади. Бундан ташқари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтингчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига ҳам энг кам ставка микдорида солиқ солинади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда дивиденdlар ва фоизлар бўйича даромадлар, қўшимча тўловлар жами даромад таркибидан ҳисобдан чиқарилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар

Солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига қўйидағилар киритилмайди:

- меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари микдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг bemor аъзосини парваришилаш нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари.

Бунда энг кам иш ҳақи ҳисоби учун меҳнат шартномаси тўхтатилган кунда амал қилган (охирги ишлаган кундаги) ойлик энг кам иш ҳақининг микдори қабул қилинади;

- олинадиган алиментлар;
- олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус ҳамда хунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;
- давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар (устамаларнинг қонун ҳужжатларида чегараланган микдоригача);
- шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тибиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганларидан учун оладиган суммалар;
- фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;
- жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиши натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган мол-мулкни сотиши натижасида оладиган даромадлардан ташқари;

- жисмоний шахсларнинг ўй хўжалигида ёки дехқон хўжалигида етиштирган корамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайta ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайta ишланган дехқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

■ бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танловов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

■ мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (хукукий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

■ давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

■ фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

■ бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- табиий оғатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

■ депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

■ патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарининг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

- ихтиrolар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

- саноат намунасидан - уч йил давомида;

- фойдали моделдан - икки йил давомида

■ болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарининг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасалари боришин учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасалари борилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

■ фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари;

■ вақтингчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

■ хусусий корхона ва фермер хўжалиги томонидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулқдори ва фермер хўжалигининг бошлиғи ихтиёрига келиб тушадиган фойда суммаси;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсадалик совғаларининг қиймати;
- Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари;
- жамғаривор бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғаривор бориладиган пенсия тўловлари;
- жисмоний шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган иш ҳақининг ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг суммалари.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашидан қўйидагилар тўлалигича озод қилинадилар:

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошликлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;
- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;
- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;
- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;
- хукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;
- Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошликлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чакирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;
- Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича;
- мансаб даражалари бор прокуратура ва суд органлари ходимлари.

Қўйидаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иши ҳақининг тўрт баравари миқдорида тўлашидан озод этилади:

- а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд

1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, сабиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, сабиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги урушда қатнашганлар;

в) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гурӯҳ ногиронлари;

е) ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

з) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.

Тиббий-мехнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг маҳсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тутатиш иштирокчisinинг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос ҳисобланадиган бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида имтиёз берилади;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

Мехнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган "ёлғиз онанинг шахсий дафтарчаси" асосида имтиёз берилади;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Турмуш ўртоғи (аёли) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва болаларининг мавжудлигини ҳамда қайта никоҳдан ўтмаганлигини тасдиқловчи паспорт, боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсиясининг тайинланмаганлиги тўғрисида меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси имтиёз берилишида асос ҳисобланади;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиласиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.

Пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.

Ҳисобот йили учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз имтиёзларга бўлган ҳуқуқ юзага келган ой бошидан тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Фуқаро имтиёзларга бўлган ҳуқуқни йўқотганлигини 15 кундан кечиктирмай, ундан солиқ ушлаб қоладиган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек жисмоний шахсларни ёхуд солиқ органини (агар мазкур орган ҳисоб-китобни амалга оширса) маълум қилиши лозим.

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солик солинади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солик ундирилади.

Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солик ундирилади.

Солик солиш мақсадида норезидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида ёки доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солик тўловчи ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслардан соликлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солик тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солик хақидаги изоҳларнинг киритилишига рухсат берилмайди.

2.5. Даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Асосий иш жойидан олинадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб борувчи якун билан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб солик солинадиган жами даромад суммасидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиши) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олгунига қадар белгиланган шакл бўйича жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солик суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиши) жойи бўйича соликни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиши) жойида олинган жами даромаддан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солик тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган ҳолларда солик солинадиган даромаддан энг юқори ставка бўйича солик ундирилади. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда ундирилган умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатилганидан сўнг тўланган бўлса, мазкур мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликка тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган соликнинг умумий суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот бир ой муддатда истиқомат жойидаги давлат солик хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб борувчи якун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб (агар бундай даромадлар тўланган бўлса), белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги тақдим этилган декларация маълумотлари бўйича солиқ хизмати органи томонидан даромад солиғи якуний суммаси ҳисоблаб чиқарилади. Резидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойидан) олган даромадларидан даромад солиғи якуний суммасини ҳисоблаб чиқариш ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмагандан юридик шахс ушлаб қолинмагандан солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Юридик шахслар қўйидагиларни бажариши шарт ҳисобланади:

1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичida давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида (асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслардан ташқари) белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қўйидагилар акс эттирилади:

- солиқ тўловчининг – жисмоний шахснинг идентификация рақами;
- солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;
- ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;
- солиқ агентининг идентификация рақами;
- солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-кунига қадар, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда солиқ жамғаривор бориладиган тизимда қатнашувчи фуқароларнинг шахсий жамғаривор бориладиган пенсия ҳисобваракларига белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган бадаллар чегирилган ҳолда қўйидаги муддатларда тўланади:

а) даромад тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади;

б) тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичida бюджетга ўтказилади.

Банқда ҳисобрақамига эга бўлган юридик шахслар томонидан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш санаси солиқ тўловчи ҳисобрақамидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун, бошқалар, шу жумладан жисмоний шахслар учун эса - маблағлар кредит муассасасининг кассасига ўтказилган кун ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб варағидан солиқ суммаси жисмоний шахс томонидан тўланганда, тўлов санаси жисмоний шахс ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг йил мобайнида тўлаб борилган суммалари тегишли ҳисббот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади. Мисол тариқасида қуйидаги жадвални кўриб чиқамиз.

8-жадвал

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги

М А Ъ Л У М О Т Л А Р

Янгийўл туман “Барака” МЧЖ

(йил бошидан ўсиб борувчи якун билан тўлдирилади)

(сўмда)

T/p	Кўрсаткичлар	Сатр коди	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Йил бошидан даромад олган жисмоний шахслар сони, жами (киши)	001	152
	шу жумладан:		
	асосий иш жойи бўйича	002	150
	асосий бўлмаган иш жойи бўйича	003	2
2	Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси	004	1 215 000 000
2.1	шулардан солиқ агенти билан меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолингмаган моддий наф тарзидаги даромадлар	005	-
3	Солиқ солишдан озод қилинадиган даромадларнинг умумий суммаси	006	15 000 000
4	Солиқ солинадиган даромадларнинг умумий суммаси (солиқ солинадиган база), шу жумладан: (004-сатр–005-сатр–006-сатр)	007	1 200 000 000
4.1	–солиқ солиш шкаласи бўйича солиқ солинадиган даромадлар	008	1 200 000 000
4.2	–дивиденд ва фоизлар тарзидаги даромадлар	009	-
4.3	– Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлар	010	-
4.4	– жисмоний шахснинг аризасига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлар	011	2 000 000
5	Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси, шу жумладан: (1-илова 5-устунининг “Йил бошидан жами” сатри + 014-сатр)	012	200 440 000
5.1	– 008-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	013	200 000 000
5.2	– 009-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича (2-илова 3-устунининг “Йил бошидан жами” сатри)	014	

5.3	– 010-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	015	
5.4	– 011-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	016	440 000

2.6. Декларация асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини солиқча тортиш механизми.

Декларация – солиқ идораларига солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан топшириладиган ва ўз ичига олинган даромадлар ва ушбу даромадлар билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларни акс эттирадиган ҳамда солиқ тўловчининг ҳисобланган солиқларни ихтиёрий равишда ва белгиланган вақтда давлат бюджетига тўлашга мажбур этадиган хужжат ҳисобланади.

Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади ҳақидаги декларация қуидаги ҳолларда солиқ органлари топширилади:

а) мулкий даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳаққи тариқасида олинган даромад (агар бундай даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса);

б) асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқарида манбалардан) даромад олган жисмоний шахслар томонидан; (Асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширганлар бундан мустасно)

в) резидент - чет эллик жисмоний шахслар томонидан;

Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органлари га жами йиллик даромадлари ҳақида декларацияни қуидаги муддатларда тақдим этишлари керак:

- асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқарида манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай;

- резидент - чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида белгиланган шаклда.

Чет эллик жисмоний шахснинг фаолияти тақвимий йил мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак. Якуний декларация белгиланган шаклда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши керак. Агар чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш чоғида декларация топшириш орқали солиқлар қуидаги муддатларда тўланади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса,- декларация давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичиди;

б) жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Назорат саволлари

1. Юридик шахслар фойда солиги Ўзбекистонда қачон жорий қилинган?
2. Юридик шахслар фойда солигини тўловчилари кимлар?
3. Резидент ва норезидент кимлар ва улар қандан тартибда соликқа тортилади?
4. Солик объекти ва соликқа тортиш базаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг молиявий фаолият натижалари қандай аниқланади?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкалари қайси мезонлар асосида табакалаштирилган?
7. Маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?
8. Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солигини тўлашдан озод этилади?
9. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари соликқа тортиладиган даромаддан камайтирилади?
10. Солик ҳисботларини топшириш ва солиқни тўлаш тартиби қандай белгиланган?
11. Юридик шахслар қандай тартибда ва шаклда тахмин қилинаётган фойдаси ҳакида маълумотнома тақдим этадилар?
12. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бюджет даромадлари таркибида қандай аҳамиятга эга?
13. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг тўловчилари кимлар?
14. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?
15. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари қандай белгиланган?
16. Мехнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига қандай даромадлар киради?
17. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига солик ставкалари қандай белгиланади?
18. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида қандай тартибда солик ставкалари кўлланилади?
19. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида соликқа тортиш тартибини тушунириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й. – 377 б.
5. Яҳёев Қ.А. Соликқа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
6. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Соликлар ва соликқа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.cer.uz.
3. www.review.uz.
4. www.imf.org.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz
7. www.mf.uz
8. www.gov.uz

З-мавзу. Ўзбекистонда эгри солиққа тортиш тартиби Режа

3.1.Билвосита солиқларни солиқ тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.

3.2.Кўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва бюджетта тўлаш тартиби. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот.

3.3.Акциз солигини ҳисоблаш ва бюджетта тўлаш тартиби.

3.4.Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар таркиби ва солиқ ставкалари.

3.5.Эгри солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетта тўлаш муддатлари.

Таянч иборалар: солиққа тортиладиган оборот, импорт, ҳисоб-фактура, акцизости товарлар, импорт товарлари, бензин, дизел ёнилғиси ва газ, ставкалар

3.1.Билвосита солиқларни солиқ тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлили.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида эгри солиқларнинг асосий турларидан бири – кўшилган қиймат солиги ҳисобланади.

Кўшилган қиймат солиги – ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Корхона кундалик хўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хом-ашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш, хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда кўшилган қиймат яратилади.

Кўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатdir. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида кўшилган қиймат яратилади.

Кўшилган қиймат солигини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни 1919 йилда Вильгельм фон Сименс илгари сурди.

Кўшилган қиймат солигини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиги М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. Францияда қўшилган қиймат солиги ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиги Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва хукуқий

асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг хукуқий меъёрларини умумлаштириш тўғрисидаги маҳсус Директиванинг қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилиндига ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.

Кўшилган қиймат солиғига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, солиққа тортишнинг обьекти бўлиб, нафақат ички бозордаги товароборот, балки мамлакат корхоналарининг ташқи бозорларидағи товаробороти ҳам ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда, кўпчилик ҳолларда, қўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. Бунинг асосий сабаблари шундаки, биринчидан, қўшилган қиймат солиғи дунёда биринчи марта Европа давлати бўлган Францияда жорий этилди; иккинчидан, 1977 йилда қабул қилинган Директивага асосан қўшилган қиймат солиғи бир вақтнинг ўзида Европанинг бир неча давлатларида жорий этилди; учинчидан, қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.

Хозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айrim мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қиласди.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоқча эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади. Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикаларига тўғри келади. Хозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида қўшилган қиймат ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўскинлик қиласди.

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилдан буён амал қилмолади. Ушбу солиқ оборотдан олинадиган солиқ ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир маротаба умумий оборотдан олинар эди. Қўшилган қиймат солиғи эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарорига кўра 2008 йилда қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 28 фоизни, эгри солиқлар таркибида эса 56 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради.

3.2.Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот.

Кўшилган қиймат солигининг тўловчилари бўлиб, амалдаги қонун хужжатларига асосан ушбу солиқни бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тушунилади. Жумладан:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

2) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиги тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар (ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно);

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Нотижорат ташкилотлар (тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно) ҳамда солиқ солишнинг соддатлаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солигини тўловчилари бўлиб ҳисобланышмайди.

Солиқ қонунчилигига назарда тутилган ҳолда ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солигини тўлаши мумкин.

Амалдаги солиқ кодексининг 198-моддасига кўра қўшилган қиймат солигининг **объекти** бўлиб, товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти ҳамда товарларнинг импорти ҳисобланади.

Товарларни (иш ва хизматларни) реализация қилиши обороти деганда – юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) қиймати тушунилади, яъни юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) учун маблағи келиб тушиши давридан қатъий назар корхона қўшилган қиймат солиги бўйича бюджет олдида ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт.

Солиқ солинадиган импорт деганда эса – Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кирилаётган товарлар ҳисобланади (қўшилган қиймат солигидан озод этилган импорт товарлардан ташқари).

Товарлар натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига таннарх баҳосидан паст қилиб сотилганда солиққа тортиладиган оборот товарлар (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган микдорда белгиланади.

Солиқ кодексига кўра қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш (юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар бундан мустасно);

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тұловчининг ўз әхтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилемаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки хисса доирасида мол-мulkни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мulk тақсимланганда мол-мulkни бериш;

6) тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

7) банкларнинг мол-мulkни ўз филиалларига бериши;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мulk ва мулкий хукуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мulkни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мulkни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мulkни мулкдорга бериш;

12) обьект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тұловининг бир қисми тарзida қоплаш.

Солиқ кодексига құра қуидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) сотиши обороти ҳисобланмайды:

- солиқ тұловчининг қараладиган унинг ўз әхтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш (юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган қаражатлар бундан мустасно);

- битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш әхтиёжлари (завод ички обороти) учун мол-мulk берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

- солиқ тұловчининг ўз әхтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

- гаров қийматига эга бўлган қайtариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайtариладиган тара маҳsулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳsулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳsулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳsулот етказиб берувчига қайtарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайtарилемаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

- тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва обьектларини бепул асосда бериш;

- банкларнинг мол-мulkни ўз филиалларига бериши;

- ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган оборотлар.

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилги мойлаш материаллари ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. 15% ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва буғдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди.

2000 йилдан хозирги кунгача солиқ Кодексига кўра республикамида 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда. Умуман олганда “0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (бажарилган иш, хизматларнинг) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “ноль” га тенг дегани.

Куйидагиларга “0” даражали ставка бўйича солиқ солинади:

- Товарларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (қўрсатиладиган хизматларнинг) эрkin конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларига етказиб берилишига, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Айрим МДҲ давлатларида бу тартиб бошқача. Масалан: Арманистонда Тожикистонда, Туркманистонда МДҲ давлатларидан ташқарига экспорт солиққа тортилмайди, “0” ставка ҳам қўлланилмайди. Қозогистонда эса МДҲдан ташқарига экспорт “0” ставкада солиққа тортилади.

Экспорт қилинган товарларни қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш масаласида Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида давлатлараро билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган бўлиб, аммо ратификация қилинмаган (тасдиқланмаган) ҳолатларда имтиёзни қўллашнинг иложи бўлмайди, яъни имтиёз қўллаш учун қонуний асос бўлмайди.

Хозирги вақтда Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия, Қозогистон билан ҳам билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган. Шартномада келишилган давлатлар божхона ҳудудларида товарлар (иш ва хизматлар) экспорт қилинганда “0” ставкадаги қўшилган қиймат солиғини қўллаш кўзда тутилган.

- Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товар (иш ва хизмат)ларга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган ҳалқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

- сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга;
- хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди орқали олиб ўтиладиган транзит юкларини ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга, жумладан йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган (имтиёзли) оборотлардан фарқли “0” ставка қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи товарларнинг таннархига олиб борилмасдан, ҳисобга киритилиди.

Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасидан “0” ставкада ҳисобланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда ошиқча сумма солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғидан бошқа солиқ турларига нисбатан кўпроқ имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, улар солиқ кодексида тўрт гурухга бўлиб берилган. Улар:

- 1) солиқдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти (208-модда);
- 2) солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар (209-модда);
- 3) солиқдан озод этиладиган суғурта хизматлари (210-модда);
- 4) солиқдан озод этиладиган импорт.

3.3.Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характеристерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида 2000 йилда 22,8 фоизни, 2001 йилда 26,3 фоизни, 2002 йилда 28,8 фоизни, 2003 йилда 31,1 фоизни ташкил этгани ҳолда 2006 йилги далат бюджети даромадларида унинг улуши 19 фоизни, 2017 йилда эса 14,5 фоизни ташкил этган.

Акциз солиғини тўловчилари бўлиб, мулк шаклидан ва солиқка тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизости товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солиқка тортиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варагига эга бўлган алоҳида корхоналар тушунилади.

Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра қўйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган обьект ҳисобланади:

- 1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:
- товарни сотиш (жўнатиш);

- гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивиденклар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулқдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулқдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёjlари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Текинга бериладиган акцизланадиган маҳсулот бўйича қўйидагилар солиқ солиши обьекти бўлиб ҳисобланади:

-акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоголли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, вино бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

-бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича солиқ тўловчида товарни бериш пайтида шаклланган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган, бироқ мазкур акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган қиймат.

Қўйидаги акцизости товарларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) табиий офтальмологи, қуролли можаролар, баҳтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўrsатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, хукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича маҳсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиси базаси бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, конъяқ, ароқ ва бошқа алкоголли ароқ маҳсулотлари, фильтрли ва фильтрсиз сигареталар, нефть маҳсулотлари (бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин) бўйича - сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

- акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, табиий газ, суюлтирилган газ, “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қийматига фоиз ҳисобида.

Буюртмачи томонидан бериладиган хом ашёдан маҳсулотга акциз солигини ҳисоблаш чоғида акциз солиги солинадиган маҳсулотни сотишга доир айланма қўйидагича белгиланади:

-акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича тайёр маҳсулотнинг физик ҳажмидан келиб чиқиб;

-бошқа маҳсулотлар бўйича тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматидан ва буюртмачи томонидан бериладиган хом-ашё қийматидан келиб чиқиб.

Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. 2018 йилда акцизости товарларга белгиланган солиқ ставкалари қўйидагилардан иборат:

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи СТАВКАЛАРИ²²

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир ўлчов бирлигига сўмларда
1	2	3
1. Этил спирти (1 дал. учун)		7844
1. Вино (1 л. тайёр маҳсулот учун) ¹ Табиий бошқалар		6994 12000
3. Конъяқ, ароқ ва бошқа алкоголи маҳсулотлар (1 дал. тайёр маҳсулот учун) ¹		73997
4. Ароқ ва алкоголли маҳсулотлар маҳсулотлар (1 дал. тайёр маҳсулот учун)		65571
5. Пиво (1 литр тайёр маҳсулот учун): ¹		7699

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли карори.

6. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун): ¹		
- озиқ-овқат ёғи;		459724**
- техник мой (озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		252887
7. Сигареталар (1000 дона учун): ¹		84222
8. Заргарлик буюмлари	25	
9. “Женерал Моторс Ўзбекистон” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллари ²	5	
10. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
11. Қимматбаҳо металлар ²		
12. Нефть маҳсулотлари:		
- бензин АИ-80 (1тоннасиға)		321430
- бензин АИ-91, АИ-92, АИ-93 (1 тоннасиға)		353430
- бензин АИ-95 (1 тоннасиға)		408890
- дизель ёқилғиси (1 тоннасиға)		273400
- дизель ёқилғиси ЭКО (1 тоннасиға)		284250
- авиакеросин (1 тоннасиға)		50580
-мотор мойи (1 тоннасиға)		207000
13. Табиий газ ² (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажми бундан мустасно), экспорт билан бирга	25	
14. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (“Узтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно) ² , экспорт билан бирга	26	

*⁾ конъяк маҳсулоти ҳажмий улушида этил спирти 40 фоиздан юқори бўлса, акциз солиғи ставкаси (1 дал тайёр маҳсулот учун) 121 928 сўм миқдорида белгиланди.

**) ароқ ва бошқа алкогол маҳсулотлари ҳажмий улушида этил спирти 40 фоиздан юқори бўлса, акциз солиғи ставкаси (1 дал тайёр маҳсулот учун) 111 339 сўм миқдорида белгиланди.

Изоҳлар:

1) Қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда йил мобайнida қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2) “Женерал Моторс Ўзбекистон” АЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газга ҳамда қимматбаҳо металларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

**Акциз солиғига тортиладиган товарлар турларининг йиллар кесимида камайиши
динамикаси**

Йиллар	Акцизости товарлари турларининг сони
2001	28
2002	27
2003	26
2004	22
2005	22
2006	19
2007	19
2008	13
2009-2018	14

Манба: Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Билвосита солиқлар корхоналар фаолиятига нейтрал (холис) позициядадир, деган назариядан келиб чиқиб, республикамизда уларни фискал аҳамиятига қараб катта эътибор берилмоқда. Солиқ солинадиган базаларни аниқлашда, солиқ суммасини ҳисоблашда, бюджетга ундирилишда, имтиёзлар беришда қатор камчиликлар мавжуд:

Айрим ривожланган давлатларда, масалан, Францияда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда белгилаб кўйилган.

АҚШда акциз солиқлари федерал аҳамиятга эга бўлган солиқ ҳисобланади. Лекин уларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи нисбатан кичик. Акциз солиғи тамаки ва алкоголь маҳсулотларга, транспорт хизматларига нисбатан жорий қилинган. Акциз солигининг ставкаси 10 фоизни ташкил этади.

Буюк Британияда акциз солиқлари эгри солиқларнинг таркибида салмоғига кўра қўшилган қиймат солиғидан кейинги ўринни эгаллайди. Акциз солиғи ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, транспорт воситалари ва хизматларига нисбатан жорий қилинган. Унинг ставкалари 10 фоиздан 30 фоизгача оралиқда тебранади.

Германияда акциз солиғи бўйича тушумларнинг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилади, факат пивога нисбатан жорий қилинган акциз солиғи бўйича тушумлар федерал бюджетга келиб тушмайди. Акциз солигининг ставкалари товарларнинг хотўғри бирлигига нисбатан фоизларда ва “евро” да белгиланган. Масалан, сугурта битимлари бўйича акциз солигининг ставкаси сугурта полиси суммасининг 12 фоиз миқдорида белгиланган. Шампан виносига нисбатан белгиланган солиқ ставкаси 0,75 литр учун 2 еврони ташкил қиласди.

Россия Федерациясида 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ кодексининг 2-қисмини кучга киритилиши муносабати билан акцизларни кўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди, яъни анъанавий акциз солиғи тўловчилар қаторига улгуржи савдо ташкилотлари ҳам киритилди.

Россия Федерациясида акциз солигининг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги роли жуда муҳим бўлиб, у акциз солиқлари бўйича тушум суммаларини федерал бюджет даромадлари таркибидаги салмоғини юқори эканлигига намоён бўлади. Масалан,

2013 йилда акциз солиғи бўйича тушумларнинг Россия Федерал бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 9,6 фоизни ташкил қилди.²³

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг бошлиқлари, Давлат солик хизмати ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек Молия вазирлигининг бириктирилган молия инспекторлари зиммасига юкланди.

Солик кодексига кўра қўйидагиларга акциз солиги солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

• давлатлар, ҳукуматлар, ҳалқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

• Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари бўйича ҳалқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга.

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатлирида белгиланади;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидириув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича маҳсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидириув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солик солиши объекти бўлиб божхона юқ декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A / 100,$$

бу ерда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Пиво, алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солик солинадиган оборот қўйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A),$$

²³ Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2013. –С. 190.

бу ерда:

- O** - солиқ солинадиган оборот;
- C** - божхона қиймати;
- A** - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A/100,$$

бу ерда:

- O** - солиқ солинадиган оборот;
- A** - акциз солиғи ставкаси.

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар ишлаб чиқарилиши, импорт қилиниши, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек акциз солиғи тўлиқ ундирилиши, кўрсатилган товарларни яширинча ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги карорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни, пиводан ташқари, мажбурий тарзда белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркалаш жорий этилди ва уларни акциз маркаларини ёпиштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш таъкиқланди.

3.4. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар таркиби ва солиқ ставкалари.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир.

Юқоридагини қўллаш мақсадида:

- автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари деганда автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш, автомобилларга ёқилғи қўйиш ва автомобилларга газ қўйиш шохобчалари тушунилади;
- охирги истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиши объектидир.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқсан холда ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси транспорт воситалари учун реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилганда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси солиқ тўловчининг харажатларига киритилади.

Давлат бюджетининг даромадларини шакллантирувчи билвосита солиқлар²⁴

Т/Р	Солиқ турлари бўйича	Жами билвосита даромадлардаги улуси(%да)
	Эгри (билвосита) солиқлар (шу жумладан)	100
1.	ҚҚС	55.3
2.	Акциз солиғи	28.3
3.	Божхона божлари	6.7
4.	Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	8.0

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, билвосита солиқлар ичидаглават бюджетининг даромадларини шакллантиришда қўшилган қиймат солиғи энг юқори кўрсаткични яъни 55.3 фоизни, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ эса 8 фоизни ташкил этмоқда.

Транспорт воситаларидан бензин дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқнинг кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Солиқ ставкасининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Президент томонидан белгиланади.²⁵

12-жадвал

Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиғи ставкалари²⁶

№	Ёқилғи турлари	Солиқ ставкаси	
		2017 йил	2018 йил
1.	Транспорт воситаларига бензин	465 сўм/литр 445000 сўм /тонна	232.5сўм/литр 308850 сўм /тонна
2.	Транспорт воситаларига дизель ёқилғиси	465 сўм/литр 407025 сўм /тонна	232.5сўм/литр 282500 сўм /тонна
3.	Транспорт воситаларига суюлтирилган газ	230 сўм /литр	230 сўм/литр 436300 сўм /тонна
4.	Транспорт воситаларига сиқилган газ	275 сўм / ³ м	305 сўм 1 куб.метр

2017 йил учун транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғисининг 1 литри учун 465 сўм белгиланди ёки 2016 йилга нисбатан 130 сўмга ёки фоизда 38.8% га ошганини кўрамиз. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ставканинг ошгани, ёқилғининг чакана нархи ошишига олиб келмади, яъни солиқ ёқилғи чакана нархининг таркибидан қўшимча равишда олинадиган бўлди. 2018 йилда бензин ва дизель ёқилғи учун ставкалар 2 бараварга

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори. 2016 йил 27 декабр № ПК-2699.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПК 2699-сон қарори

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПК 2699-сон қарори

камайтирилган бўлиб, лекин мазкур маҳсулотнинг чакана баҳоси 2017 йилнинг 15 ноябридан 2800 сўмдан 3800 сўмгача етказилган эди.

Солиқ ставкалари 2003 йилда бензин, дизель ёқилғисининг 1 литри учун 30 сўм бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 465 сўмгача кўтарилиди. Бу 15.5 бараварга ортганини яққол кўрсатмоқда. Бу солиқ ставкаларининг ошишига биргина мисол қилиб мамлакатда рўй берадиган инфляция даражасини кўрсатиш мумкин.

3.5. Эгри солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари бўлиб, товарларни импорт қиласидан юридик шахслар, шунингдек бож тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун меъридан ортиқча товарлар олиб кирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади (демак, жисмоний шахслар ҳам бевосита қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши мумкин).

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган обьект бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларига биноан белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон худудига импорт қилинадиган товарлар ҳисобланади.

Товар деганда истеъмолга мўлжалланган ва қийматга эга бўлган барча нарсалар тушунилади.

Импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб, божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз ости товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$С_{ққс} = \frac{(ИҚТБҚ + ББС + АС) \times ККС_{ст.}}{100};$$

Бу ерда:

С_{ққс} – қўшилган қиймат солиғи суммаси;

ИҚТБҚ – Импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати;

ББС – Божхона божи суммаси;

АС – акциз солиғи;

ККС_{ст.} – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли ставка бўйича тўланади.

Амалдаги қонунчиликка қўра қўйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

- хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколотхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

- жисмоний шахсларнинг бож тўламасдан олиб кириш меъёрлар доирасида импорт қилинадиган товарлар (товарларни олиб кириш меъёри Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарори асосида белгиланади);

- Ўзбекистон Республикаси худудига табиий оғатлар, бахтсиз ҳодисалар юз берганда олиб кириладиган товарлар, шунингдек давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар томонидан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестиция дастурига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун ҳамда ҳукумат кафолати билан хорижий кредитлар хисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун олиб кириладиган технологик ускуналар;
 - импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлар;
 - чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;
 - ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган импорт товарлар.

Товарлар республика ҳудудига импорт қилинишида қўшилган қиймат солиғи божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда тўланади. Агар божхона декларацияси белгиланган муддатда топширилмаса қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларацияси топшириш муддати тугаган кундан бошлаб хисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар солиқни нақд пул билан божхона органи пости кассасига белгиланган тартибда тўлашлари мумкин.

Қўшилган қиймат солиғининг тўланган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобваракларига кирим қилиниб, кейин улар республика бюджети даромадларига қайд этилади. Божхона органлари 3 кун муддат ичida ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджетига ўтказадилар.

Кўшилган қиймат бўйича ҳисбот даври қўйидагилардир:

- қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микро фирмалар ва кичик корхоналар учун — йил чораги;
- микро фирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун — бир ой.

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Кўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчи микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисбот топширилдиган муддатда;
- микро фирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисбот топширилдиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар реестрини тақдим этади. Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварак-фактуралар реестрларини тақдим этади.

Кўшилган қиймат солиғини тўлаш қўйидагича амалга оширилади:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан — қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ түловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктиrmай.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктиrmай тақдим этилади. Акциз солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктиrmай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунуга қадар тўланади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар чоракда, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиrmай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ҳисоб-китоб бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади, бундан автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ҳоллари мустасно. Автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктиrmай, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Эгри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?
2. Эгри солиқларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг?
3. Қўшилган қиймат қандай таркиб топади?
4. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
5. Қўшилган қиймат солиғини қандай шахслар тўлайди?
6. Қўшилган қиймат солиғи обьекти қандай аниқланади?
7. Солиққа тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиз?
8. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
9. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?
10. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод бўлади?
11. Ноллик ставка билан имтиёз ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?
12. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?
13. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисботни тақдим этиш тартиби қандай?
14. Акциз солиғи қачон жорий этилди?
15. Акциз солиғи тўловчилар қандай гурухланади?
16. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
17. Акциз солиғи обьекти нималардан иборат?
18. Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?

19. Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?
20. Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?
21. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
22. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишининг хусусиятлари нимада?
23. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?
24. Акциз маркалари нима ва у қачон жорий этилган?
25. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби ва бюджетга тўлаш тартибини ёритинг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й. – 377 б.
5. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
6. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.cer.uz.
3. www.review.uz.
4. www.imf.org.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz
7. www.mf.uz
8. www.gov.uz

4-мавзу: Соддалаштирилган солиқ тизими ва унинг иқтисодий моҳияти

Режа

- 4.1. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
- 4.2. Ягона ер солиғини ҳисоблаш механизми ва бюджетга тўлаш муддатлари.
- 4.3. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш масалалари.

4.1. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимига ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий эканлиги қатъий белгиланди. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада кичик бизнесни ривожланишига асос яратилди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналарни жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётida аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон солиқ тизимида кичик бизнес субъектларининг баъзи тоифалари учун **ягона солиқ тўлови жорий қилинди**.

У бирхиллаштирилган бўлиб, қўйидаги мажбурий тўловларни тўлаш ўрнига жорий қилинган:

- ягона солиқ;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;
- Республика йўл жамғармаси;
- таълим ва медицина муассасаларини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар унинг суммасини солиқ солинадиган база, яъни соғ тушумдан ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қиласидилар. Бунда солиқ органларига давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида тақдим этилмайди, шунингдек пенсия, йўл ва таълимни ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар суммалари алоҳида тўланмайди.

Ягона солиқ тўлови, мулк шаклидан қатъий назар, *фақат кичик бизнес субъектлари - микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилади*.

Ягона солиқ тұловини тұловчилар рўйхати 2007 йил 1 январдан бошлаб кенгайди. Жумладан, улар таркибига солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқисиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға кируди республика ихтисослаштирилган улгуржи база – конторалари ва уларнинг худудий базалари бундан мустасно. Улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги “Ихтисослаштирилган улгуржи база – контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тұғрисида” ги ПҚ-374-сон қарори билан назарда тутилган солиқ солишин тартиби сақлаб қолинади); микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлган тайёрлов ва таъминот – сотиш ташкилотлари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси (топшириғи) бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар; солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқисиз лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахслар киритилди.

2007 йил 1 январдан ягона солиқ тұлови тұловчилари ҳисобланган алкогулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тұловини тұлаш ҳуқуқисиз, солиқлар ва мажбурий тұловларни умумбелгиланган тартибда тұлашга ўтказилди. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тұлови тадбиқ этилмайди. Бундан ташқари солиқ кодексининг 350-моддасига кўра ягона ер солигини тұловчиларга, катый белгиланган солиқни тұлаш назарда тутилган микрофирма ва кичик корхоналарга ҳамда маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштироқчиси бўлган микрофирма ва кичик корхоналарга ҳам ягона солиқ тұлови тадбиқ этилмайди.

Солиқлар ва мажбурий тұловларни умумбелгиланган тартибда тұловчилар ҳисобланган хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар эса солиқ солишининг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тұловини тұлашга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тадбирлари тұғрисида” ги фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар тұғрисида”ги ПФ-3305 сонли фармонига кўра 2004 йилнинг 1 январдан бошлаб кичик бизнес субъектлари таркибига куйидагилар киритилган:

- якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар;
- ходимларининг ўртача йиллик сони:
 - ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан;
 - хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган тармоқлarda 10 кишидан;
 - улугуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- куйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:
 - енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатида – 200 кишидан;
 - металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноатида 100 кишидан;
 - машинасозлик, металургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари 50 кишидан;
 - фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Кичик бизнес субъектларига амалдаги солиқ конунчилигига кўра тадбиқ этиладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат юқоридаги санаб ўтилган субъектларга тааллуқли бўлади.

У ёки бу корхонанинг юқорида айтилган субъектлар тоифаларининг бирортасига киритилиш мезони бўлиб ходимларнинг йиллик ўртacha сони, шу жумладан унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишлайдиганлар сони ҳисобланади.

Ягона солик тўлови обьекти (солик солинадиган айланма) бўлиб, ялпи (ёки соф) тушум ҳисобланади.

Кўйидагилар ялпи тушум таркибига киритилади:

1) *товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солигини тўлашига ўтган микрофирма ва кичик корхоналар учун) сотилишидан тушган тушум суммаси.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотилишидан тушган тушум деганда қўйидагилар тушинилади:

- қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойихалаш-қидирав ва илмий-тадқиқот корхоналари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади;

- лизинг компаниялари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда лизинг бўйича фоизли даромадлар тушунилади;

- воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

- тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

- лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум.

2) *асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.*

Кўйидагилар асосий фаолиятдан бошқа даромадларга киритилади:

а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

б) ҳисобот йилида аниқланган, ўтган йиллардаги даромадлари;

в) микрофирма ва кичик корхоналар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сингари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғланмаган операциялардан бошқа даромадлар;

г) микрофирма ва кичик корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва дебеторлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш.

Товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига қараб солик солинадиган ялпи тушумга киритилади;

ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан текинга олинган мол-мулк;

з) бошқа операцион даромадлар.

3) *молиявий фаолиятдан даромадлар.*

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига қўйидаги даромадлар киритилади:

а) олинган роялти;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивиденdlар ҳамда микрофирма ва кичик корхонага тегишли бўлган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

- в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);
 - г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар.
 - д) қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;
 - е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.
- 4) фавқулодда даромадлар.*

Товарлар (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) бепул берилганда солиқ солиш обьектига уларнинг қиймати ҳам киритилади, бу қиймат уларни ишлаб чиқаришга кетган амалдаги харажатлардан, мол-мулк бепул берилганда эса балансда қайд этилган қолдиқ қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Солиқ кодексига кўра солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқилаётганда қўйидагилар ялпи тушум сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий хуқуклар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий хуқуклар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий хуқуклар);

5) мулк хуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни конун хужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий хуқуклар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий хуқукларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий хуқуклар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар;

9) акциядор – юридик шахснинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тариқасида олинган даромадлари;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик ва топшириқ шартномалари ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитет ёхуд ўзга ишончли шахс учун амалга оширилган харажатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно);

12) обьект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизимиning текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиши объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиши объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирулди.

Солиқ кодексининг 356-моддасига кўра солиқ солинадиган базани аниқлаш учун ялпи тушум суммасидан қўйидагилар чегириб ташланади:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичиде унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун хужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган бошқа даромадлар.

Чегирмалардан ташқари солиқ солинадиган база қўйидагилар учун камайтирилади:

1) автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари учун:

– бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;
– бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчаларининг белгиланган энг юкори устамадан ошадиган чакана нархи билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига;

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиқкан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун – битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – реализация қилинган товар улушидаги товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

5) янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпич билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

6) ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига,

лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Ягона солиқ тўловини юридик шахслар мустақил равишида белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, ү қуидагича табақалаштирилган:

13-жадвал

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови
СТАВКАЛАРИ²⁷**

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси ялпи тушумга нисбатан %ларда
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-7-бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	5*
2	Божхона брокерлари учун	5
3	Ломбардлар	30
4	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норзидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5	Брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик (топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматлари кўрсатилган корхоналар	33**
6	Кимматли қофозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7	Муқим савдо дўйонларини ижарага берадиган юридик шахслар	30

*) лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг даромадига нисбатан фоизларда (маржса).

**) ҳақ (ялпи даромад) суммасига нисбатан фоизларда

Бундан ташқари, алоҳида тоифадаги корхоналар жумласига кирувчи лотериялар ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз ставка миқдорида солиққа тортиладилар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги 3454-сонли қарорига мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ишчилари сонидан қатъий назар ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) қуидаги ставкаларда ягона солиқ тўлови тўлаш жорий қилинди:

- умумий овқатланиш корхоналари учун -10%;
- шундан: умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта маҳсус қасб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи корхоналар учун -8%.

Савдо корхоналари учун:

- шаҳарларда аҳоли сони 100 минг ва ундан ортиқ киши -4%;
- бошқа аҳоли пунктларида -2%;
- бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда -1%.
- улгуржи (улгуржи-чакана) савдо корхоналари -5%;

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори.

Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихоналар учун:

- | | |
|---|------|
| - шаҳарларда ахоли сони 100 минг ва ундан ортиқ киши | -3%; |
| - бошқа ахоли пунктларида | -2%; |
| - бориш қийин бўлган ва тоғли худудларда | -1%. |
| - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, тайрлаш ва қадоқлаш тайёрлов корхоналари учун | -4% |

Ахоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли туманлари таркибига киритиш “Ахоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли худудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага (Адлия вазирлиги томонидан **2008 йил 11 ноябрда 1868-рақам** билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ амалга оширилади.

Чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли ахоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар томонидан ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш ҳамда мазкур ахоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

Ягона солиқ тўловининг барча тўловчилари учун (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблашда ягона база этиб, улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солигининг уч карра миқдоридаги суммани белгилаш тартиби сақланиб қолинди.

Бунда, чакана савдо корхоналари учун айнан шу турдаги фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш тартиби сақланиб қолинди.

2018 йил 1 январдан бошлаб умумий майдони 1 гектардан ортиқ ер участкаларига эга бўлган ягона солиқ тўловини тўловчилари учун барча ер майдонидан ер солигини тўлаш мажбурияти киритилиши билан биргаликда уларга ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини инобатга олган ҳолда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби бекор қилинади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилари томонидан ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Адлия вазирлигига рўйхатга олингандан сўнг солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда етказилади.

Қўйидаги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан тўлиқ озод этилади:

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида эллик физини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ташкил этган корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари);

2005 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга қўйидаги преференциялар назарда тутилади:

1) илгари кичик бизнес субъектларига ягона солиқ бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланиш хукуқи. Бу уни тўлашдан тўлиқ озод қилишга нисбатан ҳам, солиқ ставкасини пасайтиришга нисбатан ҳам белгиланади;

2) ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечикириш, кечикирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш хукуқи.

3) қонун хужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳакини тўламаслик хукуқи.

Солиқ амалиётiga ягона солиқ тўловининг киритилиши кичик бизнес субъектларини ва микрофирмаларни солиқка тортиш услугбиятини янада соддалаштириди.

Микрофирма ва кичик корхоналар, асосий фаолияти билан бир қаторда, бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, ушбу фаолият турлари бўйича улар алоҳида ҳисоб

юритишлиари ҳамда солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун қонунда назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашлари шарт.

Биринчи чорак, ярим йил ва 9 ой якунлари бўйича солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтиш жойидаги туман (шахар) давлат солиқ инспекциясига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида белгиланган шаклда ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Микрофирма ва кичик корхоналар таркибига кирмайдиган корхоналар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳар чоракда ўсиб борувчи якуп билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги “Микро фирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ПФ-3620-сон Фармонига мувофиқ янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга (бундан кейин - корхона) ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби белгиланган. Тўлашни кечиктириш ягона солиқ тўлови бўйича солиқ мажбуриятини тўлаш муддатини муайян муддатга кўчиришни англатади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш учун корхона, ягона солиқ тўловини тўлашнинг биринчи муддати бошланишига кўпи билан 15 кун қолганда, унга тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида тегишли туман (шахар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган шаклда ариза топширади.

Туман (шахар) давлат солиқ инспекцияси тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги аризани ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида кўриб чиқади, сўнгра тўлаш муддатини кечиктириш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқарип, корхонанинг тақдим этилган аризасига қабул қилинган қарор натижасининг тегишли белгисини қўяди.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи корхонага корхона давлат рўйхатидан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб бир йилга берилади.

Корхонанинг хоҳишига кўра солиқни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи унинг ёзма аризасига асосан бир йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин. Корхона тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган даврда бошқа солиқ режимига ўтганида, ўтган пайтидан бошлаб корхона тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва унда қонунга мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар вужудга келади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ёки муддати кечиктирилган тўлов суммасини сўндириш ҳуқуқи берилган даврда корхона тутатилса, тўлаш муддати кечиктирилган тўлов суммаси қонунда назарда тутилган тартибда тўланади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган корхона туман (шахар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган тартибда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини тақдим этади. Бунда корхона ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг ўнгдаги юқори бурчагига “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармонига мувофиқ тўлаш муддати кечиктирилган” белгисини қўяди.

Агар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш муддати чорак охирига қадар тугаса, ушбу даврлар учун ягона солиқ тўловининг суммасини аниқлаш учун корхона давлат солиқ хизмати органларига ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг белгиланган шакли бўйича ягона солиқ тўлови бўйича маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этади.

4.2. Ягона ер солиғини ҳисоблаш механизми ва бюджетта тўлаш муддатлари.

1999 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини соликқа тортиш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-2086-сонли Фармонига мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этилиши, ўз навбатида уларни қуидаги солиқлар ва йифимларни тўлашдан озод қилди:

- фойда солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йифимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун божхона тўловлари, давлат божи, лицензия йифимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек акцизости маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорилигини ошириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини соликқа тортиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштиришдан иборатdir.

Мазкур солиқнинг амалга киритилиши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни тасарруфидаги ерларидан янада оқилона фойдаланишга даъват этади, чунки ҳар бир гектар ер майдони учун ундан даромад олиш ёки даромад олмаслик ҳолатидан қатъий назар белгиланган миқдордаги солиқ суммасини тўлаш лозим бўлади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг жорий этилиши соликқа тортиш тизимида унинг амал қилиши жараёнини янада такомиллаштиришдан далолат беради. Соликқа тортишнинг ушбу тизими хўжаликлар ҳисобчиларининг солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш борасидаги ишларни кескин камайтирди. Илгари қишлоқ хўжалик корхоналари ўнлаб турдаги солиқлар ва йифимларни тўлашарди. Агар айрим солиқ турларининг ҳар ойда ва ҳар йилнинг ҳар чорагида тўланишини ҳисобга оладиган бўлсақ, унда айрим хўжаликлар давлат солиқ органларига солиқлар бўйича 30 дан ортиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиши, 1 йилда ана шунча тўлов топшириқномаларини тўлдириши керак бўлар эди. Эндиликда эса хўжаликлар 1 йилда 1 марта бир турдаги солиқ сумманини ҳисоблаб чиқишиди.

Ягона ер солиғини тўловчилар қуидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;
- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўкув-тажриба хўжаликлари.

Бир вақтнинг ўзида қуидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

- ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларирига эга бўлган юридик шахслар;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солигини тўловчилар бўлади.

Кўйидагилар ягона ер солигини тўловчилар сифатида қаралмайди:

- ўрмон ва овчилик хўжаликлари;
- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари.

Ягона ер солигини тўлаш тартибини қўллаш учун солик тўловчи ҳар йили жорий солик даврининг 1 февраляга қадар солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органларига ўтган солик даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Агар ўтган солик даври якунлари бўйича ягона ер солиги тўловчи қонунчиликда белгиланган шартларга жавоб бермаса, солик тўловчи жорий солик даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган соликларни ёки ягона солик тўловини тўлашга ўтиши керак.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солик тўловчи белгиланган шартларга жавоб бермай қўйған солик давридан кейинги йилнинг 1 февралядан кечиктирмай давлат солик хизмати органига солик солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Солик тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган соликларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади.

Ягона ер солигини тўлашдан умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтган солик тўловчи умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтган солик даврининг биринчи чораги учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиги бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Умумбелгиланган соликларни ёки ягона солик тўловини тўлашга ўтган ягона ер солигини тўловчи факат навбатдаги солик даври бошидан бошлаб яна ягона ер солигини тўлашга ўтишга ҳақлиdir.

Белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўкув-тажриба хўжаликлари фаолиятнинг ягона ер солигини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солик солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиги тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва ягона солик тўловини ёки қатъий белгиланган солик тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган соликни тўлаши шарт.

Ягона ер солигини тўловчилар учун бошқа даромадларга солик солинмайди, дивиденdlар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно.

Биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиги тўловчидан дивиденdlарга солик солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солик солинади.

Ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пурратига) берилганида ягона ер солигини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

Қонун хўжжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солик солиш объектидир.

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнода вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқук вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиги бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқук вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиги бўйича имтиёзга бўлган ҳуқук тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқук тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

Ягона ер солигини тўлашдан қўйидагилар озод қилинади:

- ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

- юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Қишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар — ягона ер солиги тўловчиларга ер солиги бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

Ягона ер солиги суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солигининг белгиланган ставкасидан (0.95%) келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солигининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиги ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солигини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиги бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқук вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солигининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солигини тўлаш қўйидаги муддатларда амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммаси.

4.3. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик қўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўловчилари ҳисобланадилар.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оиласвий тадбиркорлик субъекти номидан иш қўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади.

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик қўрсаткичлар қонун хужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиқкан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга белгиланган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган обьектдир. Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда аникланади;

Солиқ даври — бир ой. Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

- янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан — давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктиримай;
- фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан — ҳисбот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Солиқ солиш обьекти ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктиримай тақдим этишлари шарт.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

- юридик шахслар томонидан — ҳар ойда ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктиримай;
- якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктиримай амалга оширилади.

Масалан, жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ:

2018 йил январи учун 2018 йилнинг 25 январига қадар;

2018 йил феврали учун 2018 йилнинг 25 февраляга қадар белгилаб қўйилган.

Якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қўйидагиларни тўлайдилар:

- 1) божхона тўловлари;
- 2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар;
- 3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;
- 4) акциз солиғи — акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;
- 5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- 6) давлат божи;
- 7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтингчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солигини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтингчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувохномани топширади. Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтингчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари қўйидагилардир:

- чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари;
- Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охирги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда тегишли давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибга мувофиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи микдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солик фаолиятнинг тегишли турлари учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқнинг энг юқори ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркор солик солиш мазкур фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солик битта физик кўрсаткич учун ойига ўрнатилган қатъий белгиланган солик ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солик қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлаш учун белгиланган муддатларда, меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтиш жойи бўйича амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркор якка тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқни ўзи рўйхатдан ўтказилган жой ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жой бўйича белгиланган ставкалар ўртасидаги юқори ставканинг 30 фоизи миқдорида ўзи рўйхатдан ўтказилган жойга тўлайди.

Давлат солик хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Агар ўз фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор давлат солик хизмати органига якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкаларини белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг касб-хунар коллежи битиравчиси бўлган ходими учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан ушбу ходим коллежни тамомлаганидан эътиборан ўн икки ой мобайнида озод этилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқни тўлашдан қонун хужжатларига мувофиқ вақтинча озод этилса, мазкур имтиёз якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солик тўлашга ҳам татбиқ этилади.

Солик тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солик тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солик тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солик тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қатъий белгиланган солик тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солик тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солик ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қиласа, қатъий белгиланган солик энг юқори ставка бўйича тўланади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайди.

Касб-хунар коллежлари битиравчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор

сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичидаги фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

2018 йил 1 январдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкаси қўйидагича:

14-жадвал

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолият билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ СТАВКАЛАРИ²⁸

№	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш хақига каррали микдорларда)			
		Тошкент шаҳри	вилоятлар даги марказий шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1	2	3	4	5	
1.	Чакана савдо: - озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан; - дехқон бозорларида қишлоқ хўялиги маҳсулотлари билан *) - газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан;	7,0 3,5 3,5	5,0 2,5 2,0	3,0 2,0 1,5	2.5 1.5 0.5
2.	Маишӣ хизматлар	2,5	1,5	1,0	0.5
3.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотищ, шу жумладан миллӣ шириналклар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотищ, шунингдек уй шароитларида ёки давлат хокимияти органларининг қарори билан маҳсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қиласдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотищ	2,0	1,5	1,0	0.5
4.	Бошқа фаолият турлари, мол-мулкни ижарага беришдан ташқари	2,0	1,5	1,0	0.5
5.	Автомобил транспортида юк ташишга доир хизматлар: 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун			1.5 2.0	
	12 тоннагача ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 12 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун			3.0 3.5	

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори.

*) дехқон хўжалигида парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, хом ва қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида чорва моллари, қуёnlар, нутриялар, балиқ, паррандани, шунингдек натура ва қайта ишланган кўринишда асаларичилик ва дехқончилик (гулчиликдан ташқари) маҳсулотларини сотиш бундан мустасно. Давлат хокимияти маҳаллий органларидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан олинган белгиланган намунадаги маълумотнома фуқарода дехқон хўжалигининг мавжудлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декбрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари кўйидагида ўрнатилган.

2018 йил 1 январдан бошлаб, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқнинг: Тошкент шаҳри; Нукус шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарлар; бошқа шаҳарлар; бошқа аҳоли пунктлари бўйича табақалаштирилган ставкалари жорий этилди.

3. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари (дехқон (озик-овқат) бозорлари автотураргоҳларида автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларидан ташқари):

Тошкент шаҳрида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИҲнинг 0,1 баравари миқдорида;

Нукус шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарларда – 1 кв.метр учун ойига ЭКИҲнинг 0,06 баравари миқдорида;

бошқа шаҳарларда – 1 кв.метр учун ойига ЭКИҲнинг 0,05 баравари миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида – 1 кв.метр учун ойига ЭКИҲнинг 0,04 баравари миқдорида белгиланди.

Юридик ва жисмоний шахслардан болалар ўйин автоматлари учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари:

Тошкент шаҳрида – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИҲнинг 3,0 баравари миқдорида;

Нукус шаҳри ва вилоят маркази бўлган шаҳарларда – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИҲнинг 2,0 баравари миқдорида;

бошқа шаҳарларда – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИҲнинг 1,5 баравари миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИҲнинг 1,0 баравари миқдорида белгиланди.

2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, I ва II гурух ногиронлари хисобланган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлайдилар.

Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган ҳолатда бу ҳол солиққа тортиш объектини яшириш сифатида қаралади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортиш тартиби асосида, яъни даромад солиғининг энг кам ставкасида (ҳозирда 7.5 фоизни ташкил этади) солиққа тортилади.

Автотранспорт воситаларини шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ижарага топширадиган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни жисмоний шахслар учун йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизматларни амалга оширишдан келиб чиқиб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Назорат саволлари

1. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини солиқ амалиётида татбиқ этишнинг зарурлиги нимада?
2. Солиқ амалиётида илк бор қачон соддалаштирилган солиқ режими жорий қилинган ва қайси мөъерий хужжат асосида?
3. Кичик бизнес субъектлари таркиби қайси мезонлар асосида белгиланади?
4. Ягона солиқ тўлови қачон жорий этилди?
5. Ягона солиқ билан ягона солиқ тўловининг фарқи нимада?
6. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?
7. Ягона солиқ тўловига солиқ ставкалари қайси мезон асосида белгиланади?
8. Қандай юридик шахслар ягона солиқ тўловидан имтиёзга эга?
9. Ягона солиқ тўлови бюджетга қайси муддатларда тўланади?
10. Ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлаш тартиби қандай?
11. Қандай ҳолатларда ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлашни солиқ органлари рад этиш мумкин?
12. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ягона солиқ тўловини тўловчилар таркибиага ўтишнинг аҳамияти ва зарурлиги нимада?
13. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ташқари яна қандай тўловлар, йиғимлар сақлаб қолинган?
14. Савдо фаолияти деганда нимани тушунасиз?
15. Умумий овқатланиш фаолияти деганда нимани тушунасиз?
16. Ягона солиқ тўловини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг солиққа тортиш обьекти қандай аниқланади?
17. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда ялпи тушум таркиби қандай аниқланади?
18. Ялпи тушум таркибидан нималар чегирилади?
19. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2018 йилда қандай белгиланганди?
20. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?
21. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ягона солиқ тўлови қайси муддатларда тўланади?
22. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи қачон жорий этилган. Унинг аҳамияти қандай?
23. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини тўлашга ўтишлари билан улар қандай солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод этилди?
24. Қандай юридик шахслар ягона ер солиғининг тўловчилари ҳисобланади?
25. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғулланганда ҳам ягона ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланадими?
26. Ягона ер солиғининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?
27. Ягона ер солиғининг ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилади?
28. Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қандай ерлар киради?
29. Ягона ер солиғини тўлашдан кимлар озод этилади?
30. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартибини аниқланг?
31. Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қайси муддатда солиқ идораларига топширилади?
32. Ҳисобланган солиқ суммалари қайси муддатда бюджетга ўтказилади?
33. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишда ривожланган давлатлар тажрибаси қандай?
34. Қатъий белгиланганди солиқнинг тўловчилари кимлар?

35. Қатый белгиланган солиқнинг тўловчилари қандай ҳолатда бошқа тўловларни тўлаши мумкин?

36. Қатый белгиланган солиқнинг ставкалари қайси мезон асосида табакалаштирилади?

Фойдаланилган адабиётлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

10. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й. – 377 б.

11. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.

12. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.cer.uz.
3. www.review.uz.
4. www.imf.org.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz
7. www.mf.uz
8. www.gov.uz

5-мавзу: Ўзбекистонда ресурс тўловларининг ўзига хос хусусиятлари

Режа

5.1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Бонуслар.

5.2. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган ер солигини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари.

5.3. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солигини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

5.1. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Бонуслар.

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим восита – бу давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ турли хил тўловлардир.

Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини бонуслар, ренталс, роялти ва солиқлар ташкил этади. Бонуслар – бир марталик тўлов бўлиб, давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмасада, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Бонуслар хажми ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланиб, улар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича келишувлар предмети ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар табиий ресурслардан фойдаланиши жараёнида бонуслар тўлайди. Республикализ қонунчилигига мувофиқ, бонуслар – бу битим тузилган вақтда ёки муайян натижага эришилгач битим шартларига мувофиқ белгиланган бир марталик тўловлар ҳисобланади.²⁹

Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланувчилар икки хил бонусни тўлайдилар. Булар имзоли бонус ҳамда тижоратбоп топилма бонуси.

Ренталс табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг иккинчи кўриниши ҳисобланиб, давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича шартнома тушиб вақтида ундириладиган тўлов ҳисобланади. Ренталс келишув даври давомида ёки қазиб олиш бошланишидан аввал ундирилади.

Роялти табиий ресурслардан фойдаланувчининг ялпи даромадидан фоиз кўринишида ундирилиб, давлат томонидан табиий ресурсларнинг эгаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қатъий улуши ўзлаштирилади. Республикализ қонунчилигига мувофиқ, роялти – бу минерал хом-ашёни қазиб олиш хажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоиз ҳисобида битим шартларига мувофиқ белгиланган ва инвестор томонидан пул шаклида ёки қазиб олинган минерал хом-ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган мунтазам тўловлардир.

Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланишни солиқقا тортиш одатда фойда солиги ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун маҳсус солиқлар, яъни рента солиқлари сифатида ундирилади. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига юқори рентабелликка эришадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун акциз солиқлари ҳам амал қиласди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиз худудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган.

Ўзбекистонда 100 га яқин, аниқроғи 95 турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикамизда мавжуд. Мамлакатнинг умумий хом-ашё салоҳиёти 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд конлардан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда.

Республикамиз қонунчилигига кўра мавжуд ер ости бойликлари умумдавлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ 1995 йилдан бошлаб ер ости бойликларидан фойдаланилганлик учун солиқ жорий этилди ва ер ости бойликларидан фойдаланувчилар уларнинг хажмидан келиб чиқсан ҳолда маҳсус солиқ тўлай бошладилар.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилишидан асосий мақсад – умумдавлат мулки ҳисобланган ер ости бойликларидан оқилона тарзда бутун жамият аъзоларини ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди ва ушбу қонуннинг асосий вазифаси бўлиб, ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгиланди.

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида” ги Қонуни, 20-модда.

Солиқ кодексига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиқлари таркибиға киради. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишининг самарадорлигини таъминлаш билан бирга соф фискал вазифани ҳам бажаради.

Республикамизда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ер ости бойликларининг 55 турига нисбатан белгиланган бўлсада, бюджетга солиқ тушуми фақатгина 4-5 турдаги ер ости бойликларига мутлоқ равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда.

2016 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг тушумлари таркибида олтин 42,4 фоизни, тозаланган мис 39,5 фоизни, нефть 4,2 фоизини, табиий газ ва газ конденцати 10,1 фоизини ва кумуш 1,9 фоизни ташкил этади.

Агарда худудлар бўйича таҳлил қилинганда жами ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг 39,9 фоизи Тошкент вилоятига, 45,2 фоизи Навоий вилоятига, 13,0 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келгани ҳолда қолган 1,9 фоизи республикамизнинг бошқа худудлари зиммаларига тўғри келди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси худудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган, шунингдек, фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини камраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металлар ва бошқа минерал ҳом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинадиган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалиқ мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани қазиб олевчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Республикамизда ушбу солиқни давлат бюджетига таъминлаб берувчи (об-ҳаво қилувчи) энг йирик солиқ тўловчилар бўлиб, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Фарғона ва Олтиарик нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртсан, Муборак ва Устюргазни қайта ишлайдиган заводлари, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ва олтинни қайта ишлайдиган корхона шунингдек, Ангрен кўмур қазиб олевчи корхона ва бошқа шу каби ер ости бойликларини қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қўйидаги солиқлар ва маҳсус тўловларни тўлайдилар:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшимча фойда солиги;
- бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар).

Қўйидагилар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш обьектлари ҳисобланади:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми (шу жумладан йўл-йўлакай олинадиган фойдали қазилмалар ва кимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, қўшилган қиймат солиги ва акциз солигини чегирган ҳолда.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа ҳом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинадиган

фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш обьекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган тақдирда солик ушбу хом ашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойида қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот ойи ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Газ қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш обьекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган сотиш баҳоси бўйича, қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги чегирилган ҳолда, бирламчи тайёргарликдан ўтган қатламдан қазиб олинган табиий (тозаланмаган) газ ҳажми ҳисобланади.

б) техноген ҳосилалар ҳажми (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича, бунда қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги чегирилади.

Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради.

в) тўпланган чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йифиш деганда чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очик жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (форлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазиш саноати буюмлари, дарё қайирларида кончилик ва бошқа маҳсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қазиб олинадиган хом-ашё турлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг табақалаштирилган ставкалари белгиланган. Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг табиий нокулай шароитда ишлайдиган конлар давлат томонидан қўшимча равишда қўллаб қувватланади. Уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкаларни жорий этиш орқали бундай корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги вақтда жами 55 турдаги фойдали қазилмаларга нисбатан табақалаштирилган тарзда солиқ ставкалари ўрнатилган.

2018 йил 1 январдан бошлаб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуидагича белгиланган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
СТАВКАЛАРИ³⁰**

Солиқقا тортиш объектининг номи	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олинишига нисбатан солиқ ставкалари	
<i>Энергия ташувчилар:</i>	
Табиий газ	30,0
Чиқинди табиий газ	9,6
Ер остидан қазиб олинган газ	2,6
Нобарқарор газ конденцати	20,0
Нефть	20,0
Кўмир	4,0
<i>Рангила ва ноёб металлар:</i>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	4,0
Концентрантланган қўрғошин	4,0
Метал рух	4,0
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10,0
<i>Асл металлар:</i>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зиб-зийнат учун тошлар хом-ашёси	24,0
<i>Қора металлар:</i>	
Темир	4,0
<i>Кон-кимё хом-ашёси:</i>	
Тош (овқатга ишлатиладиган) туз	3,5
Калий тузи	3,5
Натрит сульфат	3,5
Фосфоритлар (графитларда)	5,0
Карбонат хом-ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минераль пигментлар	4,8
<i>Кон-руда хом-ашёси:</i>	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0
Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9
Кварц – дала штапли хом –ашёси	6,5
Шиша хом –ашёси	3,0
Бетонитли лой	4,8
Тальк ва тальк тоши	4,0
Талькомагнозит	4,0
Минерал буёқлар	5,7
Воллостанит	4,0

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли карори.

Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4,0
Барий концентрати	4,0
<i>Металлургия учун норуда хом-ашёси:</i>	4,0
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиблаш гилмояси	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш құмлари	4,0
Вермикулит	4,0
<i>Норуда қурилиши материаллари:</i>	
Цемент хом-ашёси	5,0
Табиий безактошдан блоклар	5,0
Мармар ушоғи	5,0
Гипс тоши, ганч	5,0
Керамзит хом –ашёси	5,0
Фишт – черепитса (кумоқсимон, лёссимон жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, құмлар ва бошқалар)	5,0
Гипс ва ангидрит	5,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	5,0
Қурилиш құмлари	5,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	5,0
Құмтошлар	5,0
Чиғаноқ	5,0
Сланецлар	5,0
Бошқа көнг тарқалған фойдалы қазилмалар (маргеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	5,0
2. Фойдалы қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш жараённан олинган техноген ҳосилалардан фойдаланғанлик ҳуқуқи учун	асосий фойдалы қазилма бойлигини қазиб олғанлик ставкасидан 30 %

Юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқ бүйича ҳисобкитобларни солиқ органларига йил бошидан ўсиб борувчи яқун бүйича белгиланған шаклда солиқни тұлаш учун белгиланған муддатда тақдим этадилар.

Ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқни юридик шахслар қуидаги тартибда тұлайдилар:

а) микрофирма ва кичик корхоналар – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай;

б) микрофирма ва кичик корхоналар жумласига кирмайдын болашақ солиқ тұловчи юридик шахслар – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай.

Көнг тарқалған фойдалы қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бүйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқни тұлайдилар.

Юридик шахсларнинг ер қаъридан фойдаланғанлик учун солиқ бүйича ҳисобкитоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетте тұловлар (турлари) бүйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварагида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилған солиқ суммаси бухгалтерияда қуидаги ақс әттирилади:

-давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварагининг дебети;

-бюджетте тұловлар бүйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварагининг кредити.

Бюджетте үтказилған солиқ суммалари қуидаги ақс әттирилади:

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварагининг дебети;
-пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварагининг кредити.

Солик тўловчи томонидан ортиқча солик суммалари тўланган ҳолда, бошқа соликлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, ушбу суммалар солик тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичидаги қайтирилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Кўшимча фойда солиғи тўловчилар куйидагилардир:

- айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) кавлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;
- фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан бошқа шахслар кўшимча фойда солиғи тўловчиси этиб белгиланиши мумкин.

Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича фаолиятни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар кўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлмайди.

Реализация килишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (кўшимча фойда) кўшимча фойда солиғини солиш объектидир.

Кўшимча фойда суммаси билан кўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солик ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф кўшимча фойда солиқ солинадиган базадир.

Кўшимча фойда солиғи солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари рўйхати, шунингдек соликни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Ер қаъридан фойдаланувчи куйидаги турдаги бонусларни тўлайди:

- имзоли бонус;
- тижоратбоп топилма бонуси.

Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш ва қидириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуки учун бир марталик қатъий белгиланган тўловдир.

Имзоли бонус лицензия олинган кундан эътиборан солик тўловчи томонидан ўттиз кундан кечиктирмай бюджетга тўланади ва бу ҳақда солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органларига ёзма шаклда хабар қилинади.

Тижоратбоп топилма бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни кўпайтиришга олиб келувчи конларни кўшимча қидириш ўтказиш чоғидаги фойдали қазилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир. Тижоратбоп топилма бонуси, агар аввал мазкур кон бўйича тижоратбоп топилма бонуси тўланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқини олишда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам тўланади.

Фойдали қазилма конларини кейинчалик уларни кавлаб олишни назарда тутмайдиган қидириш ўтказишида тижоратбоп топилма бонуси тўланмайди.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали қазилмаларнинг қазиб олинадиган захиралари ҳажми солик солиш объектидир.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати солик солинадиган базадир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати қўйидагича ҳисоблаб чиқиласди:

Товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган ер қаъридан фойдаланувчилар учун — фойдали қазилманинг мазкур тури учун тасдиқланган декларация қилинган нархи бўйича;

- бошқа ер қаъридан фойдаланувчилар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро биржада белгиланган биржа нархи бўйича, жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда эса, фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати — ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган нарх бўйича.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қийматини аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тижоратбоп топилма бонуси солиқ солинадиган базадан ва бонуснинг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тижоратбоп топилма бонусининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаган кундан эътиборан йигирма беш кундан кечиктирмай солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Тижоратбоп топилма бонусини тўлаш ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларининг кондан қазиб олинадиган ҳажмини тасдиқлаган кундан эътиборан тўқсон кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Кўшимча фойда солиги бўйича 2018 йил 1 январдан бошлаб, катодли мис, табиий газ, полиэтилен гранулалар, цемент ва клинкер бўйича кўшимча фойда солиги солиқ солинадиган базасининг ҳисоб-китоб нархлари индексация қилинди.

2017 йил сентябр-декабр ойлари даврида катодли мис ва табиий газ бўйича кўшимча фойда солигини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган базанинг миқдори (кўшилган қиймат солиги ва акциз солиғисиз) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПФ-5284-сон Фармони билан белгиланган нормалар асосида ҳисоблаб чиқарилиши белгиланган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Ўзбекистон шароитида сув қадрли ҳисобланади. Чунки, республикамизда қишлоқ ҳўжалиги асосан суғориладиган ерлардан иборат. Сув ҳар қандай давлат учун асосий бойлик ҳисобланади.

1982 йилдан 1998 йилга қадар сувдан фойдаланаётган корхоналар “сув учун тўлов” тўлашар эди. Истеъмолчиларнинг сувдан самарали, тежаб фойдаланиш мақсадида республикамиз солиқ қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига кўра 1998 йил 1-январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлари таркибида кириб, республика бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. 2008 йилда Давлат бюджетига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушуми 34920 млн. сўм тушиши прогнозлаштирилган бўлиб, бу бюджет даромадларининг 0,5 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига асосан ушбу солиқ тушуми маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушкини кўпайтириш мақсадида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилди.

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, дехқон ҳўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир. Ўзбекистонда асосий, давлат бюджети даромадларини ушбу манба бўйича об-ҳаво қиласидиган, яъни таъминлаб берадиган солиқ тўловчилар бўлиб, Ширин ГРЭС, Тахиятош ГРЭС, Тошкент ГРЭС ва бошқа шу каби ГЭСлар ҳисобланishiади.

Солиқка тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар ҳамда нотижорат ташкилотлар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак.

Юридик шахслар сувдан фойдаланиш жойида давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўzlари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равища тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар худудида таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсуниш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буг узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар киради.

Ер ости манбаларига артезиан қудуклар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи киради.

Фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш базаси ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дараҳтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар.

Юридик шахсларнинг худудида таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-курилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан

фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиги тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртacha ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда аниқлади.

2018 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қўйидаги жадвал маълумотларида келтирилган.

16-жадвал

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ³¹

Кўрсаткичлар	1 куб. метр учун ставка (сўм)	
	Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1.Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2-4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	98,2	124,8
2. Электростанциялар	28,4	42,2
3. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	9,5	69,7
4. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб-чиқарувчилар*: - алкоголсиз ичимликлар ишлаб-чиқариш учун фойдаланилган сув ҳажми бўйича; - бошқа мақсадлар учун	15870 98.2	15870 124.8

*Мазкур корхоналар солиқ тизимининг қайси тартиби бўйича солиқ тўловчилардан бўлишидан қаъий назар ушбу солиқни тўлайдилар.

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва қўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Солиқ кодексига кўра сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан қўйидаги юридик шахслар озод этилади. Жумладан, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган корхоналар. Ушбу имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан тадбиқ этилмайди; сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар; бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли карори

иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари; ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади. Жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига; дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига; атроф муҳитга заарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинадиган ер ости сувлари ҳажмига; шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига; гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиқка тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби (10-илова) сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари, микро фирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) – хар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунигача;

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микро фирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

3) ягона ер солигини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан – йилда бир марта ҳисобот даврининг 15 декабригача;

4) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – йилнинг ҳар чорагида йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликларида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар томонидан - ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади;

- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дөхқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

5.2. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган ер солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари.

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилайдиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Кўйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;
- солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Кўйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

- аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қўйидагилар киради:
 - майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;
 - аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланилайдиган ерлар (дараҳтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоклари эгаллаган ерлар);
 - коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, майший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);
 - захира ерлар.

Ер участкасининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун

солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқук вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуклари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқук вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқук бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

Ер солиғи тўлашдан қуидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фаҳрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ микдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуидаги ерлар киради:

1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

2) давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларининг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ерлари, юқорида кўрсатилган муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг хўжалик фаолияти юритилаётган ерлари бундан мустасно;

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофиқациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва харакатсиз

белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

9) маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш обьектлари эгаллаган ерлар;

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти курилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиласидаги миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнфинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни хисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган обьектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган обьектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган обьектлар эгаллаган ерлар;

22) иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қўйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув обьектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни

санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

23) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд сугориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солик даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидағи ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиледиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиледиган экинлар ҳамда дараҳтзорлар эгаллаган ер участкалари солик тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиги ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиги қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

Ер солиги ҳар бир солик даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солигининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солик хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февраляга қадар тақдим этилади.

Ер солигини ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади.

Солик солинадиган базада (ҳисобланган солик суммасида) солик даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичida давлат солик хизмати органига ер солигининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт.

Солик даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солигини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солигининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солик хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

Ер солигини тўлаш юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар teng улушларда амалга оширилади.

Солик даври мобайнида ер солиги тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари ер солигини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳаки ер солигига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солигини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, соликни ҳисоблаб чиқариш ва соликни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳукуқи, эгалик қилиш ҳукуқи ва фойдаланиш ҳукуқи ўтган ер участкалари учун ер солиги мерос қолдирувчининг солик мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солик солиш обьектидир:

1) дехқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳукуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) конун хужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солик солиш обьекти бўлмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари солик солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солик солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солик солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

Ер солиги ставкалари 2018 йилда 1,15 бараварга индексация қилинди.

Белгиланган ставкаларга ер участкалари жойлашган жойидан келиб чиқиб, қуйидаги коеффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда – 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км радиусда – 1,20, туман марказлари атрофида 10 км радиусда – 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида 5 км радиусда – 1,10.

Ер участкаларигача бўлган масофа автомобил йўллари бўйича шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқориорок функционал вазифасига мувофиқ келадиган коеффициент қўлланилади. 1 ва 2-бандларда кўрсатилган коеффициентларнинг қўлланилиши ер участкасига бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи тегишли давлат солик хизмати органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотга асосан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солик юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп квартирали уйларда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер солиги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ер майдонини қаватлар сонига бўлган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солигини ҳисоблаб чиқаришда 5 ва 6-жадвалларда келтирилган базавий ставкалар белгиланган нормативлар доирасида ер

участкаларига нисбатан қўлланади, белгиланган нормативлардан юқори ер участкалари учун базавий ставкаларга эса оширувчи коеффитсент - 1,5 қўлланади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солигини хисоблаб чиқариш мақсадида ер участкаларининг қўйидаги нормативлари қўлланади:

Тошкент шахри, Нукус шахри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар - 0,06 га;

бошқа ахоли пунктлари (дехқон хўжаликлари бундан мустасно) - 0,1 га.

Тугалланмаган қурилиш обектлари эгаллаган ер участкаларига агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ер солиги икки баравар ставкада тўланади.

Ер солигидан қўйидагилар озод қилинадилар:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Мехнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун хужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногироннинг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган хуқуки тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) I ва II гурӯҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

5) боқувчисини йўқотган кўп болали оиласидар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оиласида ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оиласидар солик солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оиласидардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

6) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тутатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг маҳсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тутатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа хужжатлар асосида берилади;

7) шахслар — уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун хужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Белгиланган имтиёзлар якка тартибдаги уй-жой қурилиши, дехқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солик тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Солик солинмайдиган ер участкаларига тааллукли қисмida назарда тутилган имтиёзлар ер солиги тўловчилар бўлган жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний

шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахслардан ер солиги юридик шахслардан олинадиган ер солигини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, ер солиги жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Ер солигини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер солигини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади.

Ер солиги суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солигини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиги суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

Ер солиги ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган худуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиги жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солигини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтириллади).

Ер солиги бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуки вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиги бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар текор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ текор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиги ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Солиқ даври учун ер солиги тўлаш жисмоний шахслар томонидан ҳисбот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

5.3. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солигини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятини солиққа тортиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши бўлди. Мол-мулк солиги дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Конунига асосан жорий этилди ва шу билан бирга корхоналарнинг ишлаб чиқариш фонdlарига тўлов ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқ текор қилинди.

Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси

Президенти қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлган меъёрий хужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиги тўғри соликлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у бюджетнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солигини жорий қилишдан кўзланган мақсад *биринчидан*, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкини сотишга қизикишини уйфотиш бўлса, *иккинчидан*, корхоналар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат. Чунки, корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгилаши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг баҳосини арzonлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг балансидаги барча мулклардан солиқ тўлашга мажбур қилиш уни ортиқча бино, иншоотлар, машина ва ускуналардан қутилишига ундайди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Шунингдек, мол-мулк солиги даромад ва мулк тақсимотидаги номутаносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солигининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас. Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг тушуми Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадларида 2,3 – 4,5 фоиз оралигини ташкил этмоқда

Солиқ қонунчилигига асосан мол-мулк солигининг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда, мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулки билан жавоб бера оладиган ҳамда мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Солиққа тортишнинг алоҳида режими ўрнатилган айrim тоифадаги корхоналарга, жумладан ягона ер солигини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда нотижорат ташкилотлар учун уларнинг асосий фаолияти бўйича мол-мулк солигини тўлаш татбиқ этилмайди.

Қўйидаги мол-мулк солиқ солиш обьектиdir:

1) кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк;

3) тугалланмаган қурилиш обьектлари. Тугалланмаган қурилиш обьектлари жумласига муайян қурилиш обьектига доир лойиха-смета хужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичida қурилиши тугалланмаган обьектлар киради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган обьектларда лойиха-смета хужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиха-смета хужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик

шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш обьектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк обьекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу обьектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш обьекти сифатида қаралмайди.

Солиқ солинадиган база қўйидагилардир:

- кўчмас мулк бўйича — ўртacha йиллик қолдик қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдик қиймати ушбу мол-мулкнинг бошлангич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуслардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш обьектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртacha йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк обьектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртacha йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.

Солиқ солиш обьектларининг ўртacha йиллик қолдик қиймати (ўртacha йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охириги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш обьектларининг қолдик қийматларини (ўртacha йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк обьектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур обьектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қўйидагиларнинг ўртacha йиллик қолдик қийматига (ўртacha йиллик қийматига) камайтирилади:

1) коммунал хўжалиги обьектларининг. Коммунал хўжалиги обьектларига қўйидагилар киради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа обьектларининг;

5) сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари обьектларининг;

8) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган обьектларнинг. Обьектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган обьектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнгин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

9) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль тубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу обьектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

10) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

12) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик обьектларнинг;

13) шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

14) тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

15) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

16) кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналарнинг.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуидагилар озод қилинади:

1) соғлиқни саклаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, саклаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғишириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиши, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;

4) янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар худудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

5) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставгадан (5%) келиб чиқкан ҳолда солиқ тўловчи — Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик

молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилингандари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртacha йиллик қолдиқ қийматидан (ўртacha йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даврида юзага келган солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

Ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуидагича тўланади:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пења ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиқкан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичida амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқукларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта, солик ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланиши керак.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик.

Мулкида солик солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик тўловчилариdir.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигida ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солик тўловчидир.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солик солиш объектиdir.

Кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солик солиш объекtlарининг инвентаризация қиммати тўловчилар учун солик солинадиган базадир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солик солиш объекtinинг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун хужжатлари билан белгиланадиган шартли қиммати солик солинадиган базадир.

Битта жисмоний шахс бир нечта солик солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солик солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида хисоблаб чиқлади.

Куйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мulkка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик солинмайди:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўллимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун хужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлнимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган хукуки тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

5) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гурӯх ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиги жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни хисоблаб чиқариш солик тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солик солиш объекти жойлашган ердаги давлат солик хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Имтиёзларни олиш хукуқига эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра кадастр қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларнинг мол–мулк солиги ставкалари
2017-2018 йиллар таҳлили

№	Солик солинадиган объектларнинг номи	Солик ставкаси	
		2017 йил учун мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан фоизда	2018 йил учун мол-мулкнинг кадастр қийматига нисбатан фоизда
1	Туар жойлар, квартиralар (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ошиқ бўлганлари мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	1,7	0,2
2	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қўйидагича бўлган туар жойлар ва квартиralар:		
	200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	2,1	0,25
	500 кв.м дан ошиқ бўлган	2,9	0,35
3	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган туар жой ва квартиralар	2,1	0,25
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация ҳамда кадастр қийматидан келиб чиқиб, сўмда	3 000 000	42 000 000
5	- Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича кадастр органлари белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солик ундириш учун Тошкент шахри ва вилоят марказларида, сўмда. - Бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида, сўмда.	20 328 000 8 833,0	210 000 000 90 000 000

Жадвалдан кўринмоқдаки, 2018 йилда солик ставкалари камайтирилганлигига қарамасдан уй-жойларнинг кадастр қиймати 10-14 бараварга оширилган.

Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкининг кадастр қийматини аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2018 йил 1 январдан бошлаб:

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг кадастр қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб, бироқ 42 000,0 минг сўмдан кам бўлмаган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланади;

- жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича органлар белгилаган кадастр қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек вилоят марказларида 210 000,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 90 000,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати белгиланди;

- мол-мулкка кадастр қийматидан келиб чиқиб солиқ солишга ўтгандан кейин солиқ юкининг кескин ўсишини олдини олиш мақсадида, кадастр қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси 2017 йил учун ҳисобланган солиқ суммасидан 1,2 баравардан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кэнгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларига тегишли Халқ депутатлари кэнгashi билан келишиб худудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги бўйича белгилangan ставкаларга 0,7 дан 1,3 гача пасайтирувчи ва оширувчи коеффициентларни белгилаш ҳукуқи берилди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳукуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгилangan тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматининг икки бараваридан келиб чиқсан ҳолда ундирилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айrim тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиги бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м ҳажмида белгиланди.

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушкига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳукуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳукуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳукуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳукуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш обьекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайta ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳукуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайta ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳукуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 84, 271, 283, 349-моддаларига киритилган қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида обектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилишини назарда тутади.

Бунда, ушбу тартиб қурилиши тугалланган обектларда товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар қўрсатиши ташкил этиш бўйича олинган мажбуриятларни ўн икки ой ичида бажармаган тадбиркорлик субектларига, шунингдек обектларни олган эгаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Обектлар қурилишининг бошланиш ва тугалланиш муддатларини ҳисоблаб чиқариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Шунингдек, юқорида қайд қилинган мол-мулк солиғи ва ер солиғини белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан аниқланган обектлар ва ер участка майдонлари бўйича солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 75-банди ижроси юзасидан Солиқ кодексининг **338-моддасига** Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мол-мulkнинг алоҳида тоифаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат божини ҳисоблаб чиқаришнинг бошқача тартиби белгиланишини назарда тутувчи қўшимча киритилди.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарорига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мulkни олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 (430 600 000 сўм) бараваридан кам бўлмаган миқдордаги кўчмас мол-мulk сотиб олинганда давлат божи шартнома суммасининг 5 фоизи миқдорида;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан 600 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдордаги янги қурилган кўчмас мол-мulk сотиб олинганда давлат божи шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорида белгиланган.

Бунда, юқоридаги миқдорларда давлат божи тўлаб сотиб олинган мол-мulkни харид қилинган кундан бошлаб уч йил мобайнида олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 400 (68 896 000 сўм) баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Назорат саволлари

1. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлиги нимада? Бонуслар нима?
2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушуми асосан қайси ер ости қазилма бойликлари хиссасига тўғри келади?
3. Республикаизда энг йирик солиқ тўловчилар жумласига қайси корхоналар киради?

4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг асосий қисми республикамизнинг қайси худудлари ҳиссасига тўғри келади?
5. Ер қаъридан фойдаланганда солиқка тортиш обьекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?
7. Ҳозирги вақтда ер ости қазилма бойликларнинг нечта турига нисбатан солиқ ставкалари белгиланган?
8. Солиқ кодексида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар кўзда тутилганми?
9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?
10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
11. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни давлат бюджетига таъминлаб берадиган асосий солиқ тўловчиларни биласизми?
12. Мол-мулк солиғи қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад нима?
13. Мол-мулк солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамияти қандай?
14. Мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар?
15. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солиғини тўлашадими?
16. Мол-мулк солиғининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?
17. Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати қандай тартибда топилади?
18. Мол-мулк солиғи ставкалари қандай белгиланган?
19. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солиғини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишда 40 фоизни ташкил этган бўлса?
20. Мол-мулк солиғидан кимлар имтиёзга эга?
21. Солиқ идораларига қайси муддатларда мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топширилади?
22. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьекти учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
23. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
24. Ер солиғини юридик ва жисмоний шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
25. Ер солиғининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда қачон шаклланган?
26. Ўзбекистонда ер фонди қандай таркиб топган?
27. Кимлар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади?
28. Алоҳида солиқ режимига ўтган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
29. Ер солиғини ундириш обьекти нима?
30. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
31. Қандай ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?
32. Қандай юридик ва жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинади?
33. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017

йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. – 377 б.

5. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.

6. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлари.

1. www.economy.gov.ru
2. www.cer.uz.
3. www.review.uz.
4. www.imf.org.
5. www.soliq.uz
6. www.lex.uz
7. www.mf.uz
8. www.gov.uz

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар солиққа тортишнинг долзарб масалалари юзасидан фикрлар алмашади, корхоналарда солиққа тортишнинг масалалари, солиқ юки ва унинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини мониторинг қилиш, солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ-бюджет тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Солиққа тортишнинг назариялари ва хуқуқий асослари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Машғулотнинг мақсади тингловчиларда солиққа тортишнинг долзарб масалаларининг моҳияти, иқтисодиётни инновацион ривожланишида солиқ тизимишинг ўрни ва унинг такомиллашиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Солиққа тортишнинг умумий назариялари бўйича баҳс-мунозара ўтказиш.
2. Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш тизимишинг хуқуқий асослари муҳокама қилиш.
3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини таҳлилини ўтказиш.

Муҳокама учун саволлар

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодчи олимлар томонидан солиқларга берилган тарифларни ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
4. Солиқларнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқи нималардан иборат?
5. Хорижий иқтисодчи-олимлар ўзининг қайси асарларида илк бор солиқларнинг тамойилларини асослаб берган?
6. Ўзбекистон иқтисодчи-олимлари солиқларга қандай таъриф берган?
7. Солиқларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
8. Солиқларга оид билимларни олимлар томонидан турлича талқин этилиши сабаблари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й. – 377 б.
5. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
6. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

- 1.www.gov.uz
- 2.www.press-service.uz
- 3.www.ziyonet.uz
- 4.www.edu.uz
- 5.www.tdiu.uz
- 6.www.lex.uz
- 7.www.stat.uz
- 8.www.mf.uz
- 9.www.soliq.uz
- 10.www.infocom.uz

2-амалий машғулот. Ўзбекистонда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш механизми

Ишдан мақсад: юридик шахслардан олинадиган фойданы ҳисоблаб чиқиш ва солиққа тортиладиган базани түғри шакллантириш, солиқ имтиёзларини ва солиқ ставкаларини белгиланган тартибда кўллаш ҳамда бюджетга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ўз вақтида ўтказиш, мазкур солиқ тури бўйича ҳисботларни электрон тарзда солиқ органларига тақдим этиш масалалари муҳокама қилинади.

Қўйидаги масалалар ўртага ташланади:

1. Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидағи салмоғи ва қиёсий таҳлил ўтказиш.
2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлари ҳамда улардаги ўзгариш тенденцияларини ўрганиш.
3. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби. Ҳисботларни электрон тарзда солиқ органларига тақдим этиш.

Муҳокама учун саволлар

1. Юридик шахслар фойда солиғи Ўзбекистонда қачон жорий қилинган?
2. Юридик шахслар фойда солиғини тўловчилари кимлар?
3. Резидент ва норезидент кимлар ва улар қандан тартибда солиққа тортилади?
4. Солиқ обьекти ва солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг молиявий фаолият натижалари қандай аниқланади?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида табакалаштирилган?
7. Махсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?
8. Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод этилади?
9. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтирилади?
10. Солиқ ҳисботларини топшириш ва солиқни тўлаш тартиби қандай белгиланган?
11. Юридик шахслар қандай тартибда ва шаклда тахмин қилинаётган фойдаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.
5. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

- 1.www.gov.uz
- 2.www.press-service.uz
- 3.www.ziyonet.uz
- 4.www.edu.uz
- 5.www.tdiu.uz
- 6.www.lex.uz
- 7.www.stat.uz
- 8.www.mf.uz
- 9.www.soliq.uz
- 10.www.infocom.uz

З-амалий машғулот. Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблаш механизми

Ишдан мақсад: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини ўрганиш.

Муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлари.
2. Даромад солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.
3. Декларация асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш механизми.

Муҳокама учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг тўловчилари кимлар?
4. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?
5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкалари?
6. Мехнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига қандай даромадлар киради?
7. Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларига солиқ ставкалари қандай белгиланади?

8. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида қандай тартибда солиқ ставкалари қўлланилади?

9. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиқка тортиш тартибини тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиқка тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

1. www.lex.uz

2. www.stat.uz

3. www.mf.uz

4. www.soliq.uz

4-амалий машғулот

Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш тартиби

Ишдан мақсад: Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш. Ноль ставка бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш. Солиқа тортиладиган оборотни тўғри аниқлаш. Ҳисоботларни тузиш.

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Билвосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили.

2. Қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

3. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот.

Муҳокама учун саволлар

1. Эгри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?

2. Эгри солиқларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг?

3. Қўшилган қиймат қандай таркиб топади?

4. Қўшилган қиймат солигининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?

5. Қўшилган қиймат солигини қандай шахслар тўлайди?

6. Қўшилган қиймат солиги обьекти қандай аниқланади?

7. Солиқка тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиз?

8. Қўшилган қиймат солиги ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?

9. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?

10. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) қўшилган қиймат солигидан озод бўлади?

11. Ноллик ставка билан имтиёз ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?

12. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиги қайси пунктларда кўрсатилади?

13. Қўшилган қиймат солигини тўлаш ва ҳисботни тақдим этиш тартиби қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиқка тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

1. www.lex.uz

2. www.stat.uz

3. www.mf.uz

4. www.soliq.uz

5-амалий машғулот. Акциз ва транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаш механизми

Ишдан мақсад: Акциз солиғини ва транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини ўрганиш.

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

2. Транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчиilar таркиби ва солиқ ставкалари.

3. Солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.

Муҳокама учун саволлар

1. Акциз солиғи қачон жорий этилди?

2. Акциз солиғи тўловчиilar қандай гурухланади?

3. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?

4. Акциз солиғи обьекти нималардан иборат?

5. Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?

6. Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?

7. Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?

8. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?

9. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишининг хусусиятлари нимада?

10. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

11. Акциз маркалари нима ва у қачон жорий этилган?

12. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китobi ва бюджетга тўлаш тартибини ёритинг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиқка тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

1. www.lex.uz
2. www.stat.uz
3. www.mf.uz
4. www.soliq.uz

6-амалий машгулот. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби

Ишдан мақсад: Ягона солиқ тўловини, ягона ер солигини ва қатый белгиланган солиқни ҳисоблаш ўрганиш.

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
2. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда қўлланиладиган энг кам миқдорлар ва уларнинг ахамияти.
3. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари.
4. Ягона ер солигининг тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари.
5. Қатый белгиланган солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
6. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш масалалари.

Муҳокама учун саволлар

1. Солиқ амалиётида илк бор қачон соддалаштирилган солиқ режими жорий қилинган ва қайси меъёрий хужжат асосида?
2. Кичик бизнес субъектлари таркиби қайси мезонлар асосида белгиланади?
3. Ягона солиқ тўлови қачон жорий этилди?
4. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?
5. Қандай юридик шахслар ягона солиқ тўловидан имтиёзга эга?
6. Ягона солиқ тўлови бюджетга қайси муддатларда тўланади?
7. Ягона солиқ тўловини бюджетга кечикириб тўлаш тартиби қандай?
8. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ташқари яна қандай тўловлар, йиғимлар сақлаб қолинган?
9. Ягона солиқ тўловини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг солиққа тортиш обьекти қандай аниқланади?
10. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда ялпи тушум таркиби қандай аниқланади?
11. Ялпи тушум таркибидан нималар чегирилади?
12. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2018 йилда қандай белгиланган?
13. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ягона солиқ тўлови қайси муддатларда тўланади?
14. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солигини тўлашга ўтишлари билан улар қандай солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод этилди?
15. Қандай юридик шахслар ягона ер солигининг тўловчилари ҳисобланади?
16. Ягона ер солигининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?

17. Ягона ер солиғининг ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилади?
18. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартибини аниқланг?
19. Солик бўйича ҳисоб-китоблар ва ҳисобланган солик суммалари қайси муддатда солик идораларига топширилади?
20. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари кимлар?
21. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари қандай ҳолатда бошқа тўловларни тўлаши мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

1. www.lex.uz
2. www.stat.uz
3. www.mf.uz
4. www.soliq.uz

7-амалий машғулот. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солик ва маҳсус тўловларни ҳисоблаш механизми

Ишдан мақсад: Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солик ва маҳсус тўловларни, ер солиғини ва мол-мулк солиғини ҳисоблашни ўрганиш.

Муҳокама этиладиган масалалар

1. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солик ва маҳсус тўловлар тизимининг иқтисодий моҳияти.
2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари.
3. Тижоратбоп топилма бонуси ва имзоли бонус.
4. Ер солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган ер солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари.
5. Мол-мулк солиғи тўловчилари, обьекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар. Юридик ва жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш тартиби ва солиқни тўлаш муддатлари.

Муҳокама учун саволлар

1. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлиги нимада? Бонуслар нима?
2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик тушуми асосан қайси ер ости қазилма бойликлари ҳиссасига тўғри келади?
3. Республикамизда энг йирик солик тўловчилар жумласига қайси корхоналар киради? Ер қаъридан фойдаланганлик учун солик тушумининг асосий қисми республикамизнинг қайси худудлари ҳиссасига тўғри келади?
4. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш обьекти ва базаси қандай аниқланади?

5. Ҳозирги вақтда ер ости қазилма бойликларнинг неча турига нисбатан солиқ ставкалари белгиланган?
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари ва ҳисоблаш механизмини тушунтириб беринг?
7. Мол-мулк солиғи қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад нима?
8. Мол-мулк солигини тўловчилари кимлар?
9. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солигини тўлашадими?
10. Мол-мулк солигининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?
11. Корхона мол-мулкининг ўртacha йиллик қолдик қиймати қандай тартибда топилади?
12. Мол-мулк солиғи ставкалари қандай белгиланган?
13. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солигини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишка 40 фоизни ташкил этган бўлса?
14. Мол-мулк солигидан кимлар имтиёзга эга?
15. Солиқ идораларига қайси муддатларда мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топширилади?
16. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьекти учун мол-мулк солигини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
17. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солигини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
18. Ер солигини юридик ва жисмоний шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
19. Кимлар ер солигини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади?
20. Ер солигини ундириш обьекти нима?
21. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
22. Қандай ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?
23. Қандай юридик ва жисмоний шахслар ер солигидан озод қилинади?
24. Ер солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори (2016 йил 27 декабр).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Интернет сайтлар

1. www.lex.uz
2. www.stat.uz
3. www.mf.uz
4. www.soliq.uz

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кириш

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти шароитида, асосий мақсад иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш жараёнини осонлаштириш ва айни вақтда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш механизмини жиҳдий равишда қайта кўриб чиқиш ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Факат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, ҳар хил молиявий камчиликларга йўл кўйиш эҳтимоли мавжуд.

Солиқ тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ислоҳ қилиш ҳозирги даврнинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Чунки, бозор муносабатлари ривожлана борган сари умумдавлат бюджети таркибида маҳаллий солиқларнинг салмоғи орта боради. Мащаллий солиқларнинг тури ва ундириш механизмининг такомиллашуви ва уларнинг тушумининг кўпайиши маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда ва ахолининг турмуш даражасини яхшилашда катта имкон яратади, кўшимча маблағлар ёрдамида ахолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий химоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг активларнинг асосий қисмини узоқ муддатли активлар – асосий воситалар ташкил қиласди. Асосий воситаларни ҳисобини тўғри юритиши, улар бўйича эскиришни тўғри ҳисоблаш, ремонт ҳамда асосий воситаларнинг қийматини оширадиган харажатларни тўғри расмийлаштириш, уларни ҳисобдан чиқарилиши каби масалалар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсирини ўрганиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, ушбу кўрсаткичларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга моликдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш натижасида корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганиб, ушбу солиғининг корхона фаолиятига минимал даражада салбий таъсирини етказиши имкони топилади.

Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини тўғри ҳисоблашни;
- асосий воситаларнинг бошланғич қийматини тўғри ҳисобга олишни;
- асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш усувларини ажратади;
- асосий воситаларга ҳисоб сиёсати ва солиқ кодексига биноан эскириш ҳисоблаш усувлари ўртасидаги фарқларни аниқлади ва уларни солиққа тортиладиган базага кирита олади;
- номоддий активлар таркибини ва уни ҳисобга олишни ўрганади;
- асосий воситалар ҳисобдан чиқара олади, молиявий натижаларни шакллантиради ҳамда солиққа тортиш базасига тўғри олиб боради;
- бюджетга тўланадиган мол-мулк солиғи суммасини тўғри ҳисоблайди.

Вазият

“Юлдуз” масъулияти чекланган жамиятда мавжуд бўлган асосий воситаларига ҳисоб сиёсатига биноан 2006 йилда эскириш ҳисобланган, янги қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати тўғри шаклланган, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида молиявий натижа тўғри аниқланганлигини, “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот шакли тўғри расмийлаштирилганлиги ҳисобланади.

Корхона бош бухгалтери ушбу ҳисоб-китоблар молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилишни, асосий воситаларга эскиришни ҳисобга олиш қайдномаси ҳамда “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот шаклини текшириб беришни топширди (қаранг 1, 2, 3-жадвалларга).

Давлат солиқ инспекциясида тақдим этилган мол-мулк солиғи бўйича куйидаги маълумотларни кўриб чиқамиз:

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

- асосий воситалар бўйича — асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш обьектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солиш обьектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш обьектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Корхоналардан олинадиган мол-мулк бўйича солиқ солинадиган база қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий воситалар бўйича — асосий воситалар ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш обьектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк обьектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланди.

Солиқ солиш обьектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш обьектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккidan бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Юридик шахслар мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 31 январидаги ва ҳисобот йилининг 31 декабридаги мол-мулк қолдиқ қийматини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир ойнинг охирги кунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлишдан олинган сон сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

31 янв. + 28 фев. + ... + 31 дек.

Ўртача йиллик қолдиқ қиймати	= -----	12
---------------------------------	---------	----

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш ойи тўлиқ ой деб қабул қилинади,

агар мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртacha йиллик қолдиқ қиймат амалга киритиш оидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Мисол келтирамиз:

1) юридик шахс 20 сентябрда таъсис этилган:

1-жадвал

2015 йил учун юридик шахс мол-мулкини ҳисоблаб чиқаришга ўртacha йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби («Юлдуз» фирмаси буйича)

ҳисобот йилининг IV-чораги учун: (минг сўмда)

Баланс моддалари номи		Баланс коди сатри	Баланс моддалари бўйича суммалар				
			31.01	30.09	31.10	30.11	31.12
Асосий воситалар		010	-	-	845	845	835
Асосий воситаларнинг эскириши		011, 021	-	-	100	110	120
Солик солинадиган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати		012, 022			745	735	715

Соликни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртacha қолдиқ қиймати	$\frac{745 + 735 + 715}{3} = 731,67 * 5\% = 36,58$
---	--

Юридик шахсларнинг мол-мулк солиги ставкаси

Солик тўловчилар	Соликқа тортиладиган базага нисбатан солик ставкаси, фоизда
Юридик шахслар	5

Манба: 29.12.2017 йил ПҚ-3454-сонли қарори

Ўз вақтида меъёрий муддатларда дастгоҳларни ўрнатилмаганлиги учун мол-мулк солиги ставкаси икки бараварга оширилади.

Тугалланмаган қурилишда ва дастгоҳлар бўйича ўз вақтида киритилмаганлар бўйича пасайтирилган солик ставкалари қўлланилмайди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш солик тўловчи — Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан ҳисоблаб чиқарилган солик солинадиган базадан ва белгиланган ставгадан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Солик даври мобайнида солик тўловчилар ҳар ойда жорий тўловларни амалга оширадилар (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно). Жорий тўловлар суммаси тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртacha йиллик қолдиқ қийматидан (ўртacha йиллик қийматдан) ва белгиланган ставгадан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик йиллик суммасининг ўн иккidan бир қисми микдорида белгиланади. Жорий тўловлар микдорини ҳисоблаб чиқариш учун солик тўловчи солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органига белгиланган шаклдаги маълумотномани жорий йилнинг 20 январигача тақдим этади.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисбот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Тўланиши лозим бўлган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Қўшимча маълумот:

2015 йилда бухгалтер томонидан асосий воситалар боғлиқ бўлган операцияларга берган бухгалтерия проводкалари.

1) МЧЖ жойлашган биносини 2015 йилнинг 2 январида 10 йил муддатга молиявий ижарага олган бўлиб, бу муддат бинонинг бутун фойдали хизмат муддатига тенгдир. Бинонинг 60% савдо мақсадларида ва 40% маъмурий мақсадларида фойдаланилади. Молиявий ижара шартномаси 1116000 сўм микдоридаги тўловнинг йилига икки маротаба амалга оширишни кўзда тутади ҳамда тўловлар ҳар йилнинг 10 июлида ўтган биринчи ярим йиллик учун ва ҳар йилнинг 10 январида ҳисбот даврининг иккинчи ярми учун амалга оширилади. Шартномада йиллик фоиз ставкаси 10% ҳажмида кўзда тутилган. Бухгалтер ижара шартномасини тузиш вақтида бинонинг бошланғич қиймати аннуитетнинг жорий қиймати жадвалидан фойдаланиланиш (12,4622) бўйича ҳисобга олган. Ҳисоб сиёсатига мувофиқ компания ижарага олинган бино бўйича тўғри чизикили усулдан фойдаланилади, кўзда тутилган тугатиш қиймати эса 147815 сўмни ташкил этади. Солиқ мақсадларида камайиб борувчи қолдик усулидан фойдаланишга рухсат этилган бўлиб, тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати ва тугатиш қиймати бухгалтерия ҳисобидаги баҳоларга тенгдир. 2015 йил биринчи ярим йиллик учун тўловлар жадвалига мувофиқ ҳолда 2015 йил 10 июлида амалга оширилган ва у ҳисботда тўғри акс эттирилган. Ҳисбот даврининг охирига келиб ҳеч қандай ҳисоб-китоблар қилинмаган.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Асосий воситалар, шу билан биргаликда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва солиқ солинадиган номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдик қиймати - <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 1-илованинг 070-сатри</i>	010	
Солиқ солинадиган базанинг камайтирилиши - <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 4-илованинг 010-сатри</i>	020	
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база (010-сатр – 020-сатр)	030	
Белгиланган солиқ ставкаси, %	040	
Тузатилган ставка, % - <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 6-илованинг 060-сатри</i>	050	
Солиқ суммаси (030-сатр x 040-сатр, ёки 050-сатр)	060	
Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш обьектининг ўртача йиллик қиймати – <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 1-илованинг 080-сатри</i>	070	

Солиқ ставкаси, %да	080	
Солиқ суммаси (070-сатр x 080-сатр)	090	
Белгиланган муддатда ишга туширилмаган ускунанинг ўртача йиллик қиймати – <i>Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 1-илованинг 090-сатри</i>	100	
Солиқ ставкаси, %да	110	
Солиқ суммаси (100-сатр x 110-сатр)	120	
Бюджетга тўланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси (060-сатр + 090-сатр + 120-сатр)	130	
Ўтган ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси	140	
Кўшимча тўлашга	150	
Камайтиришга	160	

Кейсни бажариш учун саволлар

1. Активлар асосий воситаларга тўғри киритилганлини аниқланг?
2. Асосий воситаларнинг бошланғич баҳоси тўғри шаклланганлигини текширинг?
3. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини тўғри қўлланилганлигини текширинг?
4. Асосий воситаларга нисбатан танланган эскириш ҳисоблаш усулларини солиқقا тортиладиган базага таъсири текширинг?
5. Асосий воситаларга чиқариш натижасида олинган молиявий натижа солиқка тортиладиган базага таъсирини кўрсатинг?
6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган молиявий натижа солиқка тортиладиган базага таъсирини текширинг?
7. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот тўғри шаклланганлигини текширинг?
8. Мол-мулк солиғини ҳисобланг?

“Юлдуз” масъулияти чекланган жамиятда мавжуд бўлган асосий воситалар 2015 йил 1 январ ҳолатида **2-жадвал**

Кўрсаткичлар номи	миқ- дори	фойдаланиш- га қабул қилинган сана	фойдали хизмат қилиш муддати	ишлаб чиқариш бирлик- лари	бошлан- ғич қиймати	туга- тиш қий- мати	эскириш ҳисоблаш усули	фойдала- ниш мақсади (жойи)
Бино								
Бино - ишлаб чиқариш мақсадларида	1	02.02.2012	30 йил		45000000	-	кумулятив усул	ишлаб чиқариш
Машина ва ускуналар								
дизель-генератор	1	02.02.2012	13 йил		1650000	49500	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
Комплекс қурилмалар	1	02.02.2012	13 йил		9000000	-	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
Компрессор машиналари ва ускуналари	3	02.02.2012	7 йил		13500000	270000	солиқ кодекси бўйича	ишлаб чиқариш
Мебел ваофис жиҳозлари								
1-мебеллар тўплами	1	02.02.2012	7 йил		800000	-	кумулятив усул	маъмурий
офис жиҳозлари	1	05.05.2013	7 йил		1600000	-	камайиб борувчи қолдик	маъмурий
2-мебеллар тўплами	1	16.08.2014	7 йил		1250000	-	кумулятив усул	маъмурий
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникиаси								
1-Компьютер Р-4	1	10.05.2012	5 йил	-	850000	-	камайиб борувчи қолдик	маъмурий
2-Компьютер Р-4	2	16.12.2014	5 йил	-	1000000	10000	солиқ кодекси бўйича	маъмурий
Ксерокс	1	15.04.2014	5 йил	-	1500000	15000	солиқ кодекси бўйича	маъмурий
Транспорт воситалари								
автомобил Нексия	1	19.08.2013	5 йил	-	16000000	320000	камайиб борувчи қолдик	маъмурий
юк автомашина - КАМАЗ	1	02.02.2012	7 йил	1200000 км	60750000	3037500	ишлаб чиқариш усули	ишлаб чиқариш
Бошқа асосий воситалар								
кутубхона фонди		02.02.2012			4000000		солиқ кодекси бўйича	маъмурий

Асосий воситалар харакати тұғрисидеги хисобот 2015 йил 1-январь холатида

З-жадвал

Күрсаткышлар номи	Сатр коди	Бошлангич (қайта тиклаш) қиймати				Жамғарылган эскириш				Қолдик қиймати	
		йил бошига қолдиқ	келиб тушган	чиқиб кетган	йил Охирiga Қолдик	йил бошига қолдиқ	келиб тушган	чиқиб кетган	йил охирiga қолдиқ	йил бошига қолдиқ	йил охирiga қолдиқ
Ер	10										
Ерни ободонлаштириш	20										
Узоқ муддатлы ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	30										
Бино	40	45000000			45000000					45000000	45000000
Иншоат	50										
Узатиш мосламалари	60										
Машина ва ускуналар	70	51150000			51150000	6732302			6732302	44417698	44417698
Мебел ва офис жиҳозлари	80	3650000			3650000	1216199			1216199	2433801	2433801
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	90	4350000			4350000	637169			637169	3712831	3712831
Транспорт воситалари	100	60750000			60750000	10339350			10339350	50410650	50410650
Ишчи ҳайвонлар	110										
Махсулдор ҳайвонлар	120										
Кўп йиллик ўсимликлар	130										
Бошка асосий воситалар	140	4000000			4000000					4000000	4000000
Консервация қилинган асосий воситалар	150										
Узоқ муддатлы ижара (лизинг)га олинган асосий воситалар	160										
Жами асосий воситалар (010 сатрдан 160 сатргача)	170	168900000	0	0	168900000	18925020	0	0	18925020	149974980	149974980

4-жадвал

Асосий воситалар ҳаракати түғрисидаги хисобот 2015 йил 31-декабрь ҳолатыда

Күрсаткышлар номи	Сатр коди	Бошланғич (қайта тиклаш) киймати				Жамғарылган эскириш				Қолдик киймати	
		Йил бошига қолдик	Келиб түшгән	Чиқ иб кеттән	Йил охирiga қолдик	Йил бошига қолдик	Келиб түшгән	Чиқиб кеттән	Йил охирiga қолдик	Йил бошига қолдик	Йил охирiga қолдик
Ер	10										
Ерни ободонлаштириш	20										
Бино	40	45000000			45000000	8419345	2395161		10814506	36580655	34185494
Иншоат	50				0				0	0	0
Узатыш мосламалари	60				0				0	0	0
Машина ва ускуналар	70	51150000			51150000	6732302	2709231		9441533	44417698	41708467
Мебел ва офис жиҳозлари	80	3650000			3650000	1216199	839743		2055942	2433801	1594058
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	90	4350000			4350000	637169	542220	615399	563990	3712831	3786010
Транспорт воситалари	100	60750000			60750000	10339350	14644643		24983993	50410650	35766007
Узок муддатли ижара (лизинг)га олинган асосий воситалар	160		13907815		13907815		1390782		1390782	0	12517033
Жами асосий воситалар (010 сатрдан 160 сатргача)	170	164900000	13907815	0	178807815	27344365	22521780	615399	49250746	137555635	129557069

II. Тингловчилар учун услугий қўлланмалар

Муаммо:

Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини тўғри шакллантириш, асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усуллари ва ҳисоб-китобларининг аниқлигини текшириш, асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳамда ҳисобдан чиқаришни текшириш.

Вазифалар:

- Асосий воситаларни гурухлаштириш ва баҳолашни ўрганиб чиқиш.
 - Асосий воситаларга ҳисоб сиёсати ва солиқ кодексига биноан эскириш ҳисоблаш усулларини ўрганиш ҳамда аниқлаш.
 - Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммасини харажатларга тўғри олиб борилганлигини текшириш.
 - 2015 йил 31 декабр ҳолатида “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисботот тўғри шаклланганлигини текшириш.
 - Асосий воситаларга оид турли коэффицентларни ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш, аудиторлик ҳисботи ва хulosасида асосий воситалар аудитига доир фикрни шакллантириш.
- Ечиш кетма-кетлиги**
1. Берилган вазиятни ўрганиш ва масалани ечиш учун зарур маълумотларни аниқлаш? Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: нима юз бераяпти?
 2. Берилган вазиятни таҳлил қилинг, муаммони ечиш кетма-кетлигидан кўзланган мақсад баён қилинади.
 3. Тавсия қилинган жадвалларни берилган маълумотлар асосида тўлдириб, хulosса беришга тайёрланади.
 4. Охирги хulosалар берилади.

Вазиятни бажариш учун йўриқнома ва ёзма ишнинг баҳолаш мезонлари

номи	мазмуни	натижаси	Ёзма ишни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезони	
1. Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантириш.	Асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шакллантириш тартиби баён қилиш		Аниқлик	2 балл
2. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини аниқлаш.	Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини санаб бериш ва ҳисоб-китоб тартибини баён қилиш		Аниқлик	6 балл
3. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва молиявий натижаларни шакллантириш кетма-кетлигини кўрсатиб бериш	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби ва молиявий натижаларни шакллантириш кетма-кетлигини кўрсатиб бериш		Аниқлик	3 балл
4. Асосий воситаларга доир аудиторлик ҳисботи	Аудит натижалари асосида асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш.		Асосланганлик, холислик,	4 балл

Гурӯҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гурӯҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хуносаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл
1		
2		
3		
4		
5		

1. Узок муддатли активлар

Асосий воситалар ҳисоби

Асосий воситалар ҳисоби 5-БХМС талабларига жавоб беради.

Асосий воситалар балансда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қийматида акс эттирилади.

Шартномага биноан узок муддатли ижарага бино олинган - 13907.8 минг сүм, ижара 10 йил муддатга олинган, йиллик 10% ставкада, ҳар олти ойда 1116.0 минг сүм миқдорида асосий қарз ва фоиз түлаб берилади.

1 январь 2015 йил ҳолатида асосий воситалар қайта баҳоланмаган.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоб сиёсатига биноан амалга оширилган. Ҳисобланган эскириш суммаси айрим асосий воситаларга нисбатан нотұғри ҳисобланған ва харажатлар счетига нотұғри акс эттирилған.

Асосий воситалар номи	Мижоз маълумоти бўйича	Аудит маълумоти бўйича	Фарқ
Бино - ишлаб чиқариш мақсадларида	1395.2	2621.0	-1225.8
Дизель -генератор	126.9	123.1	+3.8
Комплекс қурилмалар	692.3	692.3	-
Компрессор машиналари ва ускуналари	1890.0	1890.0	-
1-мебеллар тўплами	114.3	116.7	-2.4
Офис жиҳозлари	267.9	272.2	-4.3
2-мебеллар тўплами	457.6	301.3	+156.3
1-Компьютер Р-4	-	115.6	-115.6
2-Компьютер Р-4	198.0	181.5	+16.5
Ксерокс	297.0	297.0	-
Автомобил Нексия	6400.0	3456.0	+2944.0
Юк автомашина - КАМАЗ	8244.6	7213.5	+1031.1
Кутубхона фонди	-	-	-
Ижарага олинган бино	1390.8	1261.3	+129.5

Жадвалга биноан жами (4281.2-1348.1) = 2933.1 минг сүм миқдорида эскириш харажатлари кўпайтириб кўрсатилган.

Тавсия: асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларидаги ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқиш;

Асосий воситаларга ҳисобланған эскириш суммасини харажатлар счетига тўғри олиб бориш учун 21-БХМСга амал қилиш;

1 январь 2015 йил ҳолатида асосий воситалар қайта баҳолаш.

Асосий воситалар харакати тұғрисидаги ҳисобот компиляцияси
2015 йил 31-декабрь ҳолатыда

5-жадвал

Күрсаткічлар номи	Сатр коди	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати				Жамғарылган эскириш				Қолдик қиймати	
		йил бошига қолдик	келиб түшгап	чиқиб кетгап	йил охирига қолдик	йил бошига қолдик	келиб түшгап	чиқиб кетгап	йил охирига қолдик	йил бошига қолдик	йил охирига қолдик
Ер	10										
Ерни ободонлаштириш	20										
Узок муддатлы ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	30										
Бино	40	45000000			45000000	8419345	2620967		11040312	36580655	33959688
Иншоат	50										
Узатиш мосламалари	60										
Машина ва ускуналар	70	51150000			51150000	6732302	2705423		9437725	44417698	41712275
Мебел ва офис жиҳозлари	80	3650000			3650000	1216199	690224	730999	1175424	2433801	2474576
Компьютер жиҳозлари ва хисоблаш техникаси	90	4350000			4350000	637169	594100		1231269	3712831	3118731
Транспорт воситалари	100	60750000			60750000	10339350	10669500		21008850	50410650	39741150
Узок муддатли ижара (лизинг)га олинган асосий воситалар	160		13907815		13907815			1261333		1261333	
Жами асосий воситалар (010 сатрдан 160 сатргача)	170	164900000	13907815		178807815	27344365	18541547	730999	45154913	137555635	133652902
Шундан:											
Ишлаб чиқариш	171	69150000			96150000	15151647	5326390		20478037	80998353	75671963
Ноишлаб чиқариш	172	95750000	13907815		82657815	12192718	13215157	730999	24676876	56557282	57980939
МАЪЛУМОТ УЧУН:											
Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами (сатр 181+182+183)	180		13907815								
ўз мабалағлари ҳисобига	181										
банк кредити ҳисобига	182										
бошқа қарзга олинган маблағлар ҳисобига	183		13907815								
Тугалланмаган қурилиш	190										

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўнимасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича қўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф хulosаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чукурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўнимасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хulosса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Солиққа тортишнинг долзарб масалалари” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий солиққа оид маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Солиққа тортишнинг долзарб масалалари” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2. Мустақил таълим мавзулари

1. Ўзбекистонда солик-бюджет тизимидағи ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш;
2. Иктисодий назариялар ва концепцияларда солик муносабатларини оптималлаштириш масалалари;
3. Соликлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш механизмидан самарали фойдаланиш орқали солик муносабатларини оптималлаштириш;
4. Ўзбекистон Республикасида солик сиёсатини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари;
5. Солик муносабатларини оптималлаштиришда солик юкини мувофиқлаштириш масалалари;
6. Солик имтиёзларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш масалалари;
7. Соликларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари;
8. Солик муносабатларини оптималлаштиришда солик қонунчилигини мувофиқлаштириш масалаларининг аҳамияти;
9. Солик базасини аниқлаш ва унинг шаклланишидаги муаммолар ҳамда ечимлар;
10. Солик базасини аниқлашни оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
11. Ўзбекистон Республикасида солик базасини аниқлашга оид меъёрий-хуқуқий хужжатларни мустақил ўрганиш;
12. Тараққиётнинг янги босқичида солик органларининг хуқуқий негизлари такомиллаштириш;
13. Солик ставкаларининг бюджет даромадлари ва солик тўловачилар фаолиятига тааъсирини ўрганиш;
14. “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини мустақил ўрганиш;
15. Ўзбекистон миллий солик тизимининг амалдаги ҳолати таҳлили ва мавжуд соликларни ҳисоблаш усуllibарини таҳлил қилиш;
16. Солик тизимида солик имтиёзларининг самараси бўйича таҳлиллар олиб бориш;
17. Солик имтиёзларининг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш;
18. Солик тўловчилар зиммасидаги солик юкини камайтириш масалалари;
19. Солик юкини ҳисоблашнинг методологиясини такомиллаштиришга оид илмий назарий қарашларни ўрганиб чиқиш;
20. Соликлар ҳақида илмий қарашлар ва назарияларнинг талқини;
21. Соликларга оид иқтисодий назарияларни мустақил ўрганиш;
22. Соликларнинг тартибловчилик ролини мустақил ўрганиш;
23. Тараққиётнинг янги босқичи шароитида иқтисодиётни тартиблашда солик тизимининг таъсирини мустақил ўрганиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг инглиз тилидаги номланиши	Атаманинг рус тилидаги номланиши	Атаманинг ўзбек тилидаги номланиши	Атаманинг маъноси
Excise tax	Акцизный налог	Акциз солиги	бу ишлаб чиқариш корхоналарида яратилган ёки экспорт ва импорт қилинган баъзи акцизости товарлар қийматининг бир қисмини мажбурий бюджетга ундиришdir
Budgetary subsidy	Бюджетная дотация	Бюджет дотацияси	ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар йетишмаган тақдирда қуий бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуий бюджетта қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари
Budgetary surplus	Бюджетный профицит	Бюджет профицити	муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси
Budgetary crisis	Бюджетный кризис	Бюджет тақчиллиги	муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси
Budgetary transfers	Бюджетный трансферт	Бюджет трансферти	бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилимайдиган пул маблағлари
"Permanent establishment"	«Постоянное учреждение»	«Доимий муассаса» тушунчаси	солиқقا тортиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида даромад олиш учун фаолият кўрсатаётган ҳар қандай жой ҳамда ҳар қандай ташкилот ёки ваколатли функцияни бажараётган юридик шахсdir. Бу тушунча ўз ичига: бошқарув ўрни, бўлим, офис, идора, фабрика, устахона, шахта, нефт ёки газ қувури, тош қазиш ёки ҳар қандай фойдали қазилмалар қазиб олувчи жойларни олади
Corporate tax	Налог прибыль корпораций	на Корпорациялар- нинг фойда солиги	бу юридик шахсларнинг, асосан акциядорлик жамиятининг барча фаолиятидан олган фойдасининг бир қисмини бюджетта мажбурий тўлови хисобланади. Бу йерда солиқ тўловчилар солиқقا тортиш мақсадида корхоналар,

			ташкилотлар, бирлашмалар шу жумладан уларнинг мустақил шахобчалари ўзининг ихтиёридаги мулки бўлиб, ўз мажбуриятларини шу мулклар билан қайтара оладиган, банқда ҳисоб рақамига ега бўлган ва мустақил бухгалтерия баланси бўлган корхона ва ташкилотлардир
Value added tax	Налог на добавленную стоимость	Қўшилган қиймат солиги	бу корхона, ташкilot ва бирлашмаларда янги яратилган (қўшилган) қийматнинг бир қисмини бюджетга мажбуран олишдир
Non-residents	Нерезиденты	Норезидентлар	Ўзбекистон худудида ташкил етилмаган ёки бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашмаган юридик шахслардир. Норезидентлар фақат Ўзбекистон худудида олган даромадларидан солиқ тўлайдилар
Residents	Резиденты	Резидентлар	Ўзбекистон худудида ташкил етилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар ёки бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган бўлиб, Ўзбекистондан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслардир. Резидентлар Ўзбекистон худудида хамда чет елда олган даромадларидан солиқ тўловчилар ҳисобланади
Royalty	Роялты	Роялти	бу интеллектуал мулклардан келган даромадлардир. Интеллектуал мулкларга янгилик яратилганилиги тўғрисидаги патент, лицензия, товар белгиси ва бошқалар киради
Tax penalties	Налоговые санкции	Солиқ санкциялари	бу интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ қонунчилиги бузилганда бериладиган жазолардир. Улар уч хил бўлади: маъмурий, молиявий ва жиноий.
Taxpayer identification number	Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)	Солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақами (СТИР)	солиқ тўловчининг солиқ идораларидан рўйхатдан ўтганлигини кўрсатувчи далиллардир. Бу рақам солиқ тўловчининг тегишли ҳисбот ва ҳисобларини, бошқа хужжатларини тез топишда ёрдам берувчи сондир

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2018 й.

2. Мирзиёв Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116 сонли Фармони

6. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 августдаги ПҚ-3168 сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь <http://xs.uz/>

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to‘g‘risida”gi PQ-3454-son qarori

10. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 29 dekabrdagi “Soliq va byudjet siyosatining 2018 yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-454-son qonuni

11. O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 30 dekabrdagi “Soliq ma’muriyatichiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-455-son qonuni

12. O‘zbekiston Respublikasining 2018 yil 3 yanvardagi “Ayrim davlat organlari faoliyati takomillashtirilishi, shuningdek fuqarolarning huquqlari va erkinliklarini himoya qilish kafolatlarini ta’minlashga doir qo‘sishcha chora-tadbirlar qabul qilinishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim

qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘sishimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-456-sod qonuni

II. Махсус адабиётлар.

1. Темур тузуклари. –Т.: «Чўлпон», 1991. – 98 б.
2. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й. – 377 б.
3. Яҳёев Қ.А. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
4. А.Ваҳобов, А.Жўраев. Солиқлар ва солиқка тортиш: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.
5. Пансков В.П., Князев В.Г. Налоги и налогообложения. –М.: МЦФЭР, 2003. –с. 59.
6. Мальмигин И. Налоги как элементы финансa. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69
7. Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.
8. Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет
9. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.
10. Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Хаёт ва иқтисод», 1992.

III. Интернет сайtlари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хуқумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
4. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
5. <https://soliq.uz/> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси сайти.
6. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.